

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ
ПРОКУРАТУРА АКАДЕМИЯСИ**



**“Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат”
кафедраси**

МАРДАНОВ ЖАСУРБЕК ХУСНИДДИН ЎҒЛИНИНГ

**“МОЛИЯВИЙ ВА КОРРУПЦИЯГА ОИД АЙРИМ ЖИНОЯТЛАРНИ
ТЕРГОВ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ”
мавзусидаги**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий раҳбар: ю.ф.н. Ғ.М.Шодиев

Тошкент шаҳри – 2020 йил

Диссертациянинг қисқача аннотацияси

Магистрлик тадқиқот ишида молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар криминалистик характеристикасининг концептуал асослари ҳамда бу тоифадаги жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш методикасининг назарий ва амалий жиҳатлари баён қилинган. Бундан ташқари, молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича асосий тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижасига кўра:

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг Лойиҳаси тайёрланган;

ижобий тажрибаларни оммалаштириш ҳамда молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш амалиётини такомиллаштириш бўйича ташкилий таклифлар, назарий хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Краткая аннотация диссертации

В магистерской исследовательской работе изложены концептуальные основы криминалистической характеристики финансовых и коррупционных преступлений. Кроме того, проанализированы особенности проведения основных следственных действий по расследованию финансовых и коррупционных преступлений.

По результатам исследования:

подготовлен Проект закона «О внесении изменений и дополнений в Уголовно и уголовно-процессуальные кодексы Республики Узбекистан»;

разработаны организационные предложения, теоритические выводы и рекомендации по совершенствованию практики расследования финансовых и коррупционных преступлений, а также широкого распространения хорошего опыта.

Brief abstract of the dissertation

The master's research paper outlines the conceptual basis for criminalistic characteristics of financial and corruption crimes. In addition, analyzed the features of conducting the methods of collecting evidence to investigate financial and corruption crimes are analyzed.

Based on the results of the study:

a Draft law on amendments and additions to the Criminal and criminal procedure codes of the Republic of Uzbekistan has been prepared;

organizational proposals, theoretical conclusions and recommendations for improving the practice of investigating financial and corruption crimes, as well as the wide dissemination of good practices have been developed.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| КИРИШ | 5 |
| I БОБ. МОЛИЯВИЙ ВА КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР КРИМИНАЛИСТИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ | 11 |
| 1.1. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларнинг криминалистик тавсифи ва таснифланиши..... | 11 |
| 1.2. Жиноятларни тергов қилиш криминалистик методикаси тушунчаси ва аҳамияти..... | 20 |
| II БОБ. МОЛИЯВИЙ ВА КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ | 25 |
| 2.1. Терговга қадар текшириш босқичида молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича тезкор қидирув маълумотларидан фойдаланиш ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш..... | 25 |
| 2.2. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича анъанавий тергов вазиятлари ва тергов методикаси..... | 30 |
| 2.3. Исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларни белгилашнинг криминалистик методикалари..... | 35 |
| III БОБ. МОЛИЯВИЙ ВА КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА АСОСИЙ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ | 42 |
| 3.1. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича сўроқ қилишнинг тактик хусусиятлари..... | 42 |
| 3.2. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда моддий изларни топишга қаратилган тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари..... | 50 |
| 3.3. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда махсус билимларга асосланадиган тергов ҳаракатларини ўтказиш | |

| | |
|--|-----------|
| тактикаси..... | 60 |
| ХУЛОСА..... | 70 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 75 |
| Иловалар..... | 85 |

КИРИШ

Мавзу асосланиши ва долзарблиги. Коррупция ҳар қандай мамлакатнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган ғовдир. Коррупция оддий аҳоли турмуш тарзининг ачинарли аҳволга тушишига, жамиятда таъмагирлик, фирибгарлик каби иллатларнинг томир отишига имкон берадиган ёвуз куч эканлиги дунё ҳамжамиятига маълум. Коррупция ер юзидаги ҳар қандай мамлакат тараққиётига салбий таъсир этадиган иллатлардан биридир. Ҳозирги даврда коррупция кўпгина давлатларда кенг ёйилган бўлиб, унга қарши курашиш бутун дунё давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг долзарб вазифасига айланиб улгурди. Коррупция муаммолари билан шуғулланувчи “Transparency International” ташкилотининг маълумотларига кўра, айти дамда дунёда кўплаб жиноятларга сабаб бўлаётган нафс балоси, яъни коррупция ва порахўрлик натижасида йилига 1 триллион доллардан ортиқ маблағ жиноий тарзда ўзлаштирилади¹. Бу жиҳатдан тадқиқот мавзуси халқаро майдонда ҳам аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Чунки суд-ҳуқуқ ислоҳотларини муваффақиятли амалга оширилиши тўғридан-тўғри коррупцияга қарши курашиш фаолиятига боғлиқ бўлади.² Кўплаб давлатлар қатори, коррупцияга оид ва молиявий жиноятлар содир этилиш ҳолати Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий соҳасидаги энг оғриқли нуқталаридан бири. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-Демократик партиясининг VIII съездидаги маърузасида “Бугунги кунда яна бир устувор вазифамиз – мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ёвуз

¹ Korruptsiyaga oid huquqbuzarliklar profilaktikasi: O‘quv qo‘llanma / I. Ismailov, J. S. Muxtorov, S. B. Xo‘jaqulov; mas’ul muharrir Y.f.d., prof. Q. R. Abdurasulova. – T.: O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2017. – 5 b.

² Коленко Е. Институциональные механизмы борьбы с коррупцией в Республике Узбекистан // Материалы международно-практического семинара на тему «Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт».-Ташкент: Chashma Print, ст.110-118

иллат, яъни, коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ҳал этишдан иборат”¹, дея таъкидлаб ўтганлар. Дарҳақиқат коррупцияга ва молиявий жиноятларга қарши курашиш фаолияти ҳар доим, хусусан иқтисодий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳасида жадал ислохотлар амалга ошаётган даврда долзарблик касб этади. Шу ўринда такидлаш лозимки, сўнги уч йил ичида коррупцияга қарши курашиш борасида ижобий ишлар ютуқларга ҳам эришилди. Transparency International Corruption Perceptions Index (CPI) 2014 йил эълон қилган маълумотда Ўзбекистон коррупциялашган давлатлар рўйхатида 185та мамлакатдан 166-ўринни эгаллаган. Минтақада эса Туркменистондан кейин, иккинчи ўринда эътироф этилган. Орадан икки йил ўтиб, давлат коррупция рейтингига 10 поғона юқорилади, аммо 2017 йилда Ўзбекистон 157-ўринда, 2018 йилда 158-ўринда², 2019 йилда эса 153-ўринда эътироф этилди³. Бу албатта ижобий ҳолат, лекин, бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар анча кўплигини истисно этмайди.

Коррупцияга оид ва молиявий жиноятларга қарши курашда шундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ва жавобгарликни белгилаш амалиёти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Коррупцияга оид ва молиявий жиноятларни тергов қилишни ташкил этишда айрим вазиятларда “устоз шогирд” анъаналарининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, тергов органларининг фаолиятини тартибга солувчи ягона қонун ҳужжатларига эҳтиёжнинг мавжудлиги тадқиқот мавзусини амалий жиҳатдан долзарблигини кўрсатади.

Коррупцияга оид ва молиявий жиноятларга қарши кураш фаолиятини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш бу борадаги ишлар сифатини яхшилаш гаровидир. Коррупцияга оид ва молиявий жиноятлар тизимига кирувчи жиноятлар, уларни тергов қилишнинг: методикаси, тергов ҳаракатларини

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тарккиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 52 б.

² Corruption Perceptions Index 2018: Statistically significant changes. 2018_CPI_Statistically Significant Changes

³ <https://www.transparency.org/cpi2019>

Ўтказиш тактикаси, тергов вазиятлари ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар хусусидаги масалалар борасида яқдил фикрнинг мавжуд эмаслиги ёки илмий асоснинг етишмаслиги кузатилади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш борасида вужудга келадиган ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар танланди. Тадқиқотнинг предмети молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш борасидаги нормалар, юридик адабиётлардаги ғоялар, фикрлар, илмий ёндашувлар ва тергов анъаналари ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш методикасини назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиб, улар юзасидан келиб чиққан саволларга жавоб қидириш, соҳа илм фани ривожига ва қонунлар такомиллаштиришига ҳисса қўшишдир.

Ушбу мақсад тадқиқотнинг:

- молиявий ва коррупцияга оид жиноятларнинг ҳуқуқий табиати ва моҳиятини очиқ бериш;
- молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар сирасига кирадиган жиноятларнинг рўйхатини шакллантириш;
- молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишнинг ташкилий –ҳуқуқий масалаларини таҳлил қилиш;
- молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик қоидаларини ёритиш;
- молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш хусусида миллий қонунчилигимиз ва унинг амалиётини таҳлил қилиш;
- молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш борасида айрим хориж амалиёти ва қонунларини ўрганиш;
- молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш юзасидан амалга ошириладиган чора - тадбирларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва хулосаларни ишлаб чиқиш **вазифаларини** белгилаб

беради.

Илмий янгилиги молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар криминалистик характеристикасининг концептуал асослари, молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш методикасининг назарий ва амалий жиҳатлари, молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари биринчи мартаба магистрлик тадқиқоти даражасида ўрганилди.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Охириги йилларда чоп этилаётган дасрликлар, илмий мақолалар ва тадқиқот ишларида коррупцияга оид ва молиявий жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларига эътибор берилиб, масаланинг криминалистик жиҳатларига етарлича эътибор қаратилмасдан келинмоқда. Агар охириги 15 йил давомида амалга оширилган монографик тадқиқотларга қарайдиган бўлсак, 2006 йилда С.С. Ниёзова¹ томонидан номзодлик; 2008 йилда Б.Дж. Ахроров² докторлик, 2011 йилда М.М. Каландаров³ томонидан номзодлик, 2011 йилда Р.Имамов⁴ томонидан номзодлик илмий даражаларини олиш учун тадқиқот ишларининг амалга оширилганлиги гапимизнинг исботидир*.

Жиноятларни тергов қилиш методикаси тушунчаси ва айрим турдаги жиноятларни тергов қилиш Ўзбекистонда чоп этилган ўқув ва илмий адабиётларда умумий тарзда ёритилган⁵. Бундан ташқари, Е. Коленко¹,

¹ Ниёзова С.С. Ўзгалар мулкни иштирокчилиқда талон-торож қилганлик учун жинойи жавобгарлик муаммолари: Ю. ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т., 2006. - 214 б.

² Ахроров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: ю.ф.д. - Т., 2008. - 348 б.

³ Каландаров М.М. Узлаштириш ёки растрата йули билан талон-торож қилиш: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар. ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2011. - 202 б.

⁴ Имамов Р. Зурлик ишлатмасдан талон-торож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш: - Т., 2011. – 180 б.

* Тадқиқот ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилади.

⁵ Kriminalistika taktikasi: darslik / Т.М.Маматкулов, Ш.Т.Джаманов, У.Т.Турғунов ва бoшқ. –Т.: О'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2013. -200 б.; Жиноятларни тергов қилишнинг методикаси: Ўқув қўлланма/ Р.Р.Шакуров, Ш.Т.Джуманов, Н.Тоштемиров, Д.Р.Тураева, О.Д.Алланазов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. -200 б.; Криминалистическая методика Расследования преступлений: Учебное пособие /Шакуров Р.Р., Джуманов Ш.Т., Тоштемиров Н., Тураева Д.Р., Алланазаров О.Д.. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, - 2013. -83 стр.; Kriminalistika: Darslik Т.В. Маматкулов, Ш.Р.Астанов ва бoшқ. - –Т.: О'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2015. -457 б.; Джуманов Ш.Т. Криминалистика: Учебник. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, - 2017. -476 стр.; Рустамбеv М.Х., Норбоеv А. Криминалистика (схемалар). Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2002. -62 б. Криминалистика: Учебник. / Закурлаев А., Базарова Д. и др. – Т.: ТДЮУ, 2016. – 533 стр. Zakurlaev A.K., Mahmudov

В.Каримов², И.Астанов³, Б.Пўлатов, Х.Каримов⁴, Бердиев А.Т., М.М.Хайдаров, Т.Р.Кучкаров⁵, А.А.Отажонов⁶ Қ.Р.Абдурасулова⁷, У.Нигмаджанов⁸, Ж.Сирожев⁹ ва бошқалар молиявий ва коррупцияга оид жиноятларнинг айрим жиҳатларини таҳлил қилганлар.

Хорижий давлатларда Ю.П.Гармаев¹⁰ В.Д.Зеленский, Г.М.Меретуков, А.В.Гусев, С.А.Данильян¹¹, А. Ф. Соколов, М. В. Ремизов¹², И.Ю.Артемов¹³, С.Ю. Наумова, А.С. Волкова, В.М. Юрина, Л.Г. Шапиро¹⁴ алоҳида илмий асарлар ёзган бўлса, Е.А. Ануфриева¹⁵, Меретуков Г.М.¹⁶, О.Б. Хусайнов¹⁷, И.А. Никифорова¹⁸, Е.Ю.Флорова¹⁹,

K.O. Kriminalistika. Darslik 1-jild. –Т.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. -447 b.; Zakurlaev A.K., Mahmudov K.O. Kriminalistika. Darslik 2-jild. –Т.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. -365 b.

¹ Коленко Е. Институциональные механизмы борьбы с коррупцией в Республике Узбекистан // Материалы международно-практического семинара на тему «Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт». –Ташкент: Chashma Print, ст.110-118.

² Каримов В. Порахўрлик жиноятларини фош этиш бўйича ўтказидиган тезкор-қидирув тадбирлари. Қўлланма (практикум) –Т., 2019. -103 б.

³ Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Автореф. юф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т., 2018. - 75 б.

⁴ Халилов Б.Х., Каримов Х.А. Айбсизлик презумпцияси, унинг ҳуқуқий ҳолати ва моҳияти: халқаро ва миллий тажриба // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. Махсус сон, Т., 2019. 10-17 бетлар.

⁵ Бердиев А.Т., Хайдаров М.М., Кускаров Т.Р. Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -85 б.

⁶ Отажонов А.А. Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -58 б.

⁷ Абдурасулов Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy №4, 2018. -5-8-бетлар <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2>

⁸ Нигмаджанов У. О вопросах имплементации отдельных положений статьи 53 Конвенции ООН против коррупции в законодательство Республики Узбекистан // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ахборотномаси, № 4 (36), 2018. -14-18-бетлар.

⁹ Сирожев Ж. Коррупция: унинг тарихий илдизлари, коррупцияга қарши кураш усуллари // http://surxondaryo.adliya.uz/surxondaryo/uz/publikatsii/korupsiya/?ELEMENT_ID=24676

¹⁰ Гармаев Ю. П. Основы методики расследования коррупционных преступлений: курс лекций. – Улан-Удэ: Издательство Бурятского госуниверситета, 2018. – 49 с.

¹¹ Криминалистическая методика расследования отдельных видов и групп преступлений: учеб. пособие / В. Д. Зеленский [и др.] – Краснодар: КубГАУ, 2013. – 355 с.

¹² Методика расследования экономических и коррупционных преступлений: методические указания / сост.: А. Ф. Соколов, М. В. Ремизов; Яросл. гос. ун-т им. П. Г. Демидова. – Ярославль : ЯрГУ, 2010. – 48 с.

¹³ Артемов И.Ю. Некоторые особенности понятия криминалистической методики Расследования преступлений // Вестник Нижегородской академии МВД России, 2011. -№1 (14). – 122-127 стр.

¹⁴ Расследование преступлений в сфере экономики : Р24 учеб. пособие / под общ. ред. С.Ю. Наумова, А.С. Волкова, В.М. Юрина, Л.Г. Шапиро. – Саратов : Саратовский соци-ально-экономический институт (филиал) РЭУ им. Г.В. Плеханова, 2018. – 312 с.

¹⁵ Ануфриева Е.А. Особенности методики предварительного расследования и судебного разбирательства по делам о коррупционных преступлениях, со-вершаемых сотрудниками ОВД: Монография. – Новосибирск, 2014. – 239 с.

¹⁶ Меретуков Г.М. Методика расследования должностных преступлений: Учеб. пособие /Меретуков Г.М. – Краснодар: Куб ГАУ, 2013. – 211 с.

¹⁷ Хусайнов О.Б. Организационно-тактические особенности расследования коррупционных преступлений (по материалам Республики Казахстан). Автореф. дисс....к.ю.н. –Челябинск, 2005. -28 стр.

¹⁸ Никифорова И.А. Расследование нецелевого расходования бюджетных средств. Дисс....к.ю.н. – Тула, 2016. -264 стр.

¹⁹ Флорова Е.Ю. Методика расследования коррупционной деятельности в правоохранительных и судебных органах. – Краснодар, 2005. -217 стр.

Р.А. Степаненко¹ томонидан илмий даражалар олиш учун тадқиқотлар ўтказилган.

Тадқиқот услублари. Магистрлик тадқиқот ишини амалга оширишда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, тарихий ўрганиш, прогнозлаштириш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Мавзу юзасидан келтирилган, тизимлаштирилган ва ишлаб чиқилган назарий фикрлар криминалистика, коррупцияга қарши кураш ва бошқа ҳуқуқий фанлар юзасидан маъруза матнларида, ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқишда ва илмий тадқиқотларда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижасида илгари сурилган таклифлар ва амалий тавсиялар жиноят-процессуал ва коррупцияга қарши қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш амалиётини янада яхшилаш учун қўлланилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Кириш, уч боб ва уларга тегишли бўлган етти параграф ҳамда хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар каби қисмлардан иборат.

¹ Степаненко Р.А. Особенности методики расследования преступлений, связанных с посредничеством во взяточничестве. Дисс....к.ю.н. – Улан-Удэ – 2015. -261 стр.

Г БОБ. МОЛИЯВИЙ ВА КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР КРИМИНАЛИСТИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1.1. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларнинг криминалистик тавсифи ва таснифланиши

Коррупция – мансаб мавқеидан омманинг мулкини, нормал турмуш тарзини шахсий мақсадларда фойдаланиш йўли билан содир этиладиган хуфёна иқтисодий таъминловчи салбий ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Коррупция ёки коррупциявий жиноятлар хусусида тасаввурни тўлиқ шакллантириш учун унинг тарихига қисқача назар ташлайдиган бўлсак, адабиётларда «коррупция» тушунчаси қадимги Римда пайдо бўлган, дейилади¹. «Рим ҳуқуқи»га бағишланган манбаларда «*corruptio*» атамаси – умумий тарзда бузиш, емириш, зарар етказиш, сохталаштириш, сотиб олиш маъноларида ишлатилганлигига гувоҳ бўламиз². Мазкур тушунча кўйидаги икки латинча сўзлардан пайдо бўлиб, «*correi*»- бирор муаммога нисбатан мажбуриятга эга бўлган томонларнинг келишуви, «*rumpire*»- бузиш, зарар етказиш, парчалаш, ўзгартириш маъноларини англатади. Бироқ, бундан 4300 йиллар илгари қадимги Лакаша шаҳар давлатида давлат мулкини ўмарган шахснинг жавобгарликка тортилганлиги ҳақида эраמידан аввалги IV асрда Ҳиндистонда ёзилган “Артха-шастра” китобида айнан коррупцияга оид масалалар муҳокама қилинганлиги таъкидланади³. Тарихий манбаларда ёзиб қолдиришга арзигулик, ўз даври учун муҳим аҳамият касб этган ўзгалар мулкини талон-тарож қилишга қарши курашиш борасидаги ҳаракатлар ҳозирги ҳаётимизда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. Дунёвий илм-фанда ижтимоий муносабатларнинг ибтидоси деб ҳисобланган вақтдан бошлаб, маълум бўлиб келаётган жиноятлар орасида коррупциявий жиноятларнинг

¹ Юрист ва криминолог олимлардан: Гаухман Л.А., Волженикин Б.В., Гладких В.Д., Куракин А.В., Лопатин В.Л., Малько А.В., Овчинников В.В., Панкратов В.В., Римский В.Л., Сайгитов У.Т., Сатаров, Лунеев Г.А.

² Қаранг: Чезаре.С.С. Курс римского права. Учебник.-М.: 2002..Издательство «БЕК». С-28.

³ Бердиев А.Т., Хайдаров М.М., Кускаров Т.Р. Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик. Ўқув қўлланма. -Тошкент: ИИВ Академияси, 2018. 6-бет.**

мавжудлиги бу салбий иллатнинг жамият индивиди - инсон билан ҳамнафас яшаб келаётганлигини англатади.

Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганларидек, Парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этилиши керак. Ушбу орган ўзининг мустақиллиги ва масъулдорлиги билан ўз олдига қўйилган вазифаларни ишончли тарзда бажара олади.

Ҳозирда Коррупцияни батамом йўқотиш тугул, уни камайтириш жиноятчиликка қарши кураш соҳаси олдидаги кундаланг вазифа бўлиб келмоқда. Чунки, коррупциядан холи жамият яратиш ҳамма вақт долзарблик касб этиши баробарида, ҳеч бир давлат коррупциядан тўлиқ холи бўлганлигини даъво қила олмайди. Коррупциявий ва молиявий жиноятларнинг салбий таъсири шу даражада юқорики, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти олий органлари томонидан 2017 йилдан буён 3та салмоқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди*. Мазкур тоифадаги жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш фаолияти янгича мазмун касб этмоқда.

Тадқиқот ишининг кейинги қисмларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ушбу параграфда “коррупцияга оид жиноятлар”, “молиявий жиноятлар” ва “молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар” хусусида фикрлар ва муаллифлик позициясини баён қилмоқчимиз.

Юридик адабиётларни таҳлил қилиш натижасида коррупцияга оид жиноятларни белгилашда икки йирик ёндашув мавжуд деган хулосага келинди. Булар: а) коррупцияга оид жиноятларни тор талқин қилиш ва б) коррупцияга оид жиноятларни кенг талқин қилиш.

* Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752 сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729 Фармони

Коррупцияга оид жиноятларни тор талқин қилишда фақат давлат мансабдор шахснинг ўз мансабидан фойдаланиб, ноқонуний даромад орттириши тушунилади. Айнан коррупцияга оид жиноятлар бўйича монографик тадқиқотни амалга оширган О.А.Кузнецова ҳам коррупция деганда, икки асосий жиҳатни яъни: шахснинг мансабдор шахс бўлиши ҳамда ушбу мансабдор шахс мақомидан шахсий манфаат олишда ишлатиши лозим, деб ҳисоблайди¹. Худди шундай фикрни юридик энциклопедияда ҳам учратиш мумкин². Бундай фикрловчилар Ўзбекистонда³ ва бошқа постсовет ҳудуди давлатларида⁴ шу билан бирга узок хорижий мамлакатларда ҳам топилади⁵.

Маҳаллий ва яқин хорижий илмий ҳамжамиятда коррупцион жиноятларда давлат мулки таланиши ҳақидаги фикрларнинг вужудга келиш даврига эътибор қаратсак, улар совет тузими ёки у тугатилган бўлсада, унинг мафкуравий исканжасидан чиқиб кетилмаган даврга тўғри келади. Шу соҳада монографик тадқиқотни амалга оширган Б.В.Волженкин коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг: мансаб мавқеидан фойдаланиб, мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-тороғ қилиш; ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш; порахўрлик каби белгилари мавжуд бўлишини таъкидлаган, эҳтимол⁶.

Жиноятлар эмас, балки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида фикр юритилганда ҳам шундай ёндашув кузатилади⁷. Назаримизда, кўпчилик тан олган назарий қоида шуки, "...айнан ҳокимият билан

¹ Кузнецова О.А. Коррупционная деятельность: криминологический и уголовно-правовой аспекты. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Тамбов 2007, 24стр.

² Қаранг: Юридик энциклопедия . – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 258.; Юридик атамалар комусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 201.; Юридическая энциклопедия. 2-ое изд. перераб. – М.: Зерцало, 2003. – С. 45.

³ Қаранг: Абдурасулова Қ., Курбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 60.; Ахраров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ...диссертация. – Т., 2008. – Б.143-146.

⁴Криминология / Под ред. А.И. Долговой. – М.: ИНФРА-М, 2005. – С. 68.; Криминология / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, Г.М. Миньковского. – М.: МГУ, 1994. – С. 58.

⁵Қаранг: Джонстон М. Поиск определений: качество политической жизни и проблема коррупции // Международное жюри социальных наук. – Париж, 1997. - №16. – С.18.

⁶ Волженкин Б.В. Коррупция и уголовный закон. //Правоведение, 1991, №6. С.64.; Корыстные злоупотребления по службе (хищения, взяточничество, злоупотребление служебным положением, уголовно-правовая характеристика и проблемы квалификации. Автореф.дисс.док.юр.наук. М. 1991. С.41.)

⁷ Korruptsiyaga oid huquqbuzarliklar profilaktikasi: O‘quv qo‘llanma / I. Ismailov, J. S. Muxtorov, S. B. Xo‘jaqulov; mas‘ul muharrir Y.f.d., prof. Q. R. Abdurasulova. – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2017. – 51 b.

боғлиқлик - коррупция тўғрисида сўз юритиш имконини берадиган асосий белги ҳисобланади¹”.

Бироқ, коррупцияга оид жиноятларни кенг талқин қилиш ҳам борки, у замонавий тадқиқотларда кўпроқ учратилади. Юридик манбаларда баён қилинишича, америкалик тадқиқотчилар коррупцияни сиёсий арбоблар, давлат аппарати ходимлари билан бир қаторда бизнесменлар ва бошқа шахслар бойиш ва ўз ижтимоий мақомини юксалтириш мақсадларида, шахсий, оилавий ёки муайян гуруҳ манфаатларини кўзлаб, ўз расмий вазифалари ва давлат функцияларини бажаришдан бўйин товлаши сифатида тавсифлашлари, баён қилинади². А.Х.Саттаров, коррупциявий муносабатларни давлат ёки жамоат аппарати фаолиятини ташкил этувчи ва жамият талабларига мос келувчи бир тоифали ижтимоий муносабатлар гуруҳи тушунилади³, дейди.

АҚШ қонунларига кўра, ходимнинг якка ўзи содир қилган жинояти агар давлат органи, маъмурияти (офиси)нинг обрўйини тўкадиган бўлса, айтайлик, фирибгарлик, пора, хизматчини сотиб олиш жиноятларини содир этса, бу ҳолат ҳам коррупция ҳолати деб топилар экан⁴.

Қандай жиноятлар айнан коррупцияга оид жиноятлар сирасига киришини аниқлаш учун ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида “коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш” деб таъриф берилган. Яна, коррупцияга оид илмий позицияни аниқлаштириш мақсадида ушбу қонундаги “коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик”ка берилган таърифга қарайдиган бўлсак, коррупция

¹ Зуфаров Р., Ахраров Б., Мирзаев У. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б. 163.

² Михайлов Л.В. Борьба с коррупцией в США (80-е годы) // Вопросы истории. – 1994. - №5. – С. 9.

³ Саттаров А.Х. Борьба с должностными злоупотреблениями в подсобных сельских хозяйствах предприятий и организации. Автореф. ... канд. юрид. наук. – Т., 1990. – С.10.

⁴ UNITED STATES SENTENCING COMMISSION GUIDELINES MANUAL (November 1, 2018), 2018. P. 134.

аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш, деб таъриф берилганлигига гувоҳ бўламиз. Бундан шундай хулоса чиқадики, миллий қонунчилигимиздаги “коррупция” тушунчаси мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ёки хизмат мақомидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатларни ўз ичига олади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: мансаб ёки хизмат тушунчалари фақат давлат тизимида бўладими ёки улар хусусий секторда ҳам бўлиши мумкинми? Хусусий секторда мансаб ёки хизмат тушунчалари бўлганлиги боис ҳам айнан хусусий секторда, мисол учун давлат улуши бўлмаган корхоналарда ҳам коррупция ҳолати кузатилиши мумкин. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон 2008 йил 7 июнда қўшилган Коррупцияга қарши конвенциясининг (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) мазмунини таҳлил қиладиган бўлсак, коррупцияга оид жиноятлар ҳам давлат органлари фаолиятида ҳам хусусий соҳа тизимларида юз бериши мумкинлигига асосланган қоидалар белгиланган.

Айрим назарий манбаларда ҳам коррупциявий жиноятларнинг субъекти давлат хизматчилари билан бир қаторда, хусусий сектордаги мансабдор шахслар ва мансабдор шахс ҳисобланмайдиган бошқа шахслар бўлиши мумкинлиги таъкидланади¹.

Коррупцияга оид жиноятларнинг тугал рўйхати бирор норматив ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган эмас. Уларнинг сирасига кирадиган жиноятларни белгилаб олишда юқоридаги халқаро ҳужжатга асосланмоқчи бўлишади. Бироқ, бу ҳам ечим эмас².* Бундан шундай хулоса чиқадики, булар конвенцияга аъзо давлатлар томонидан энг камида

¹Зуфаров Р.А., Ахраров Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция.Қонун. Жавобгарлик. Монография //Масъулмуҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 168 бет.

² Сборник международных договоров Республики Узбекистан, 2008 г., № 3-4//<https://lex.uz/docs/1461327>

* Ушбу ҳужжатда аъзо давлатлар чора кўришлари лозим бўлган жуда ижтимоий ҳафвли жиноятлар алоҳида моддаларда келтирилган. Булар: миллий оммавий мансабдор шахсларни сотиб олиш (15-модда); хорижий оммавий мансабдор шахсларни ёки халқаро ташкилотларниг мансабдор шахсларини сотиб олиш (16-модда); оммавий мансабдор шахс томонидан мулкни талаш, ноқонуний ўзлаштириш ёки белгиланмаган мақсадларда фойдаланиш (17-модда); давлат хизматчига таъсир қилиб, ундан ғараз мақсадларда фойдаланиш (18-модда); мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш (19-модда); ноқонуний бойиш (20-модда); хусусий секторда жинойи сотиб олиш (21-модда); хусусий секторда мулкни ўзлаштириш (22-модда); жиноятдан топилган даромадларни ювиш (23-модда) каби жиноятлар келтирилган.

олдини олиш, унга қарши курашиш воситаларини яхшиланиши лозим бўлган ва айти пайтда коррупцияга оид жиноятларнинг турларидир.

Халқаро ҳужжатларда коррупция тушунчаси унинг муайян турлари билан боғланиб, шу тариқа мазкур жиноят бошқа жиноий қилмишлар билан тенглаштирилади¹. Биз бу ҳолатни Европа Кенгаши томонидан “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенция²нинг 2-15- моддаларида, Америка Давлатлари Ташкилоти томонидан 1996 йил 26 мартда қабул қилинган **“Коррупцияга қарши Америка-давлатлараро Конвенция”**сида³ учратишимиз мумкин.

Шунингдек, хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам алоҳида коррупция билан боғлиқ жиноят турларини белгилашда эътиборни тортадиган ҳолатларни ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, Тожикистонда 2007 йилда ҳукумат қарори билан тасдиқланган “Коррупция хусусиятидаги жиноятларнинг рўйхати ва ушбу турдаги жиноятларни статистик ҳисобга олиш (Шакл №1) йўриқномаси”га асосан коррупциявий жиноятларнинг рўйхати аниқ белгилаб қўйилган ва бу бўйича ҳисобот олиб борилмоқда⁴.

Коррупцион жиноятларга қандай жиноятларни киритиш мумкинлиги хусусида тадқиқотчи С.Шишкарёв⁵ ўзига хос ёндашувни коррупциянинг қонунчиликда акс этмаган қуйидаги шакллари ҳам мавжуд деб ҳисоблайди, яъни лоббизм, протекционизм*, олигополия** ва

¹ Бабаев А.А. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашда коррупцияга қарши курашнинг аҳамияти ва ҳуқуқий жиҳатлари. – Магистрлик диссертацияси. – Т.: 2009, 85 б.

² Convention drawn up on the basis of Article K.3 (2) (c) of the Treaty on European Union on the fight against corruption involving officials of the European Communities or officials of Member States of the European Union. Оубликована в Официальном Журнале (далее - ОЖ) N C 195, 25.06.1997, стр. 2 - 11. (1999 йил 27 январда қабул қилиниб, 2000 йил 1 июлдан кучга кирган)

³ <http://docs.cntd.ru/document/901934990>

⁴ Выдержка из Инструкции статистического учета преступлений коррупционного характера и перечень этих преступлений. <http://www.gazeta-bip.net/problem>

⁵ Шишкарёв С.Н. Правовой порядок в сфере противодействия коррупции: теоретико-правовое исследование авто.дис. на соискание ученой степени доктора юридических наук Москва-2010, 53 стр.

* Протекционизм (лот. protectio – паналаш, хрмийлик) — давлатнинг ички бозорни чет эл рақобатидан химоя қилиш ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг ташки бозорга чиқишини рағбатлантиришга қаратилган иктисодий сиёсати (қаранг: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/protexksionizm-uz/> 2020 йил 27 феврал ҳолатида).

** Олигополия (олиго... ва юн. poleo — сотаман) — бозорни ташкил этиш шаклларида бири. Гуруҳ монополияси, оз сонли йирик корхона (фирма) ларнинг бозорда ёки биронбир хўжалик соҳасида ҳукмронлиги (https://qomus.info/?s=олигополия&post_type=kbe_knowledgebase 2020 йил 27 феврал ҳолатида).

непотизм***. Чунки мазкур ҳолатлар коррупциянинг ниқобланган шакллари, деб ҳам ҳисобланади”¹. Албатта ушбу фикрни ҳам инкор қилиб бўлмайди. Ҳар ҳолда бу ҳолатлар давлат ёки корхона мулкани талон-тароҷ қилишга замин яратади.

Кенг маънода коррупцион муносабатлар иштирокчилари нафақат давлат хизматчилари, шу билан бирга, масалан фирма раҳбарлари бўлиши мумкин; пора пул билан эмас, балки бошқа шаклда берилиши мумкин; коррупциявий муносабат ташаббускори айрим ҳолларда давлат хизматчилари эмас, тадбиркорлар бўлиши мумкин.

Коррупциявий жиноятларнинг аниқ рўйхати норматив ҳужжатларда келтирилган бўлмасада, коррупциянинг белгиларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги қўйидаги жиноятларни коррупцияга оидлигига кўра икки гуруҳга бўлиш мумкин: **соф коррупциявий жиноятлар ва коррупция элементлари аралашадиган жиноятлар**. Уларнинг рўйхатини 1-Иловада келтираамиз.

“Молиявий жиноят” ибораси эса, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига учун бегона, десак бўлади. Сабаби қонун ҳужжатларида ушбу иборанинг қўлланганлиги ҳолати ўрганилганда, фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелда қабул қилинган ва 2018 йил 24 майда кучини йўқотган “Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–331-сон Қарорида ушбу атама қўлланилган.

Англо-саксон ҳуқуқий тизимида, хусусан АҚШда Молиявий жиноят деганда мулкка нисбатан содир этилган жиноят тушунилади. Ушбу жиноятлар деярли ҳар доим уни содир қилган шахснинг шахсий манфаати учун амалга оширилади ва объекти бўлган мулкка нисбатан ноқонуний ҳуқуқни вужудга келтиради. Молиявий жиноятлар ҳар хил шаклларда

*** Непотизм (лат. nepotis«жиян»), ошно оғайнигарчилик маъноларини бериб, корхонада профессионал лаёқатидан фаркли равишда ўз яқинларига мансабларни улашиш (<https://ru.wikipedia.org/wiki/Непотизм>)

¹ Луцев В.В. Коррупция, ученная и фактическая // Государство и право. – Москва, 1996. - № 8. – Б. 80.

содир бўлиши мумкин. Молиявий сектор дуч келадиган энг кенг тарқалган жиноятлардан бири - бу ноқонуний пулларни легаллаштириш (ювиш), терроризмни молиялаштириш, фирибгарлик, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, растарата, хужжатларни қалбакилаштириш, шахсий маълумотларни ўғирлаш ва қалбакилаштириш¹. Ҳаттоки, молиявий жиноятларни тергов қилиш учун алоҳида тергов органлари тузилган. Маслалан, АҚШ Молия вазирлиги (US Department of the Treasury) таркибида Ички даромадлар хизмати (Internal Revenue Service) айнан молиявий жиноятларнинг айрим турлари бўйича терговни амалга оширади.²

Хорижий мамлакатлар ҳуқуқий адабиётларида “White collar crime” яъни “Оқ ёқалилар жиноятлари” ёки “корпоратив жиноятлар” деб ҳам айтилади³.

Назаримизда молиявий жиноятлар иборасининг қонунларимизда қўлланилмаслигига сабаб аввалдан ишлатиб келинган терминологияга кўра, “Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар”, “Бошқарув тартибига қарши жиноятлар” ва бошқа атамалар мавжудки, улар у ёки бу турдаги молиявий жиноятларни ҳам қамраб олган ҳамда қонунчиликда жиноятларни объектига кўра тизимлаштиришда молиявий жиноятларни алоҳида кўрсатишга зарурат сезилмаган.

Ҳозирги илм фан адабиётларида иқтисодий жиноятларнинг алоҳида тури сифатида молиявий жиноятлар ҳам кўрсатилмоқда. Бу туркумдаги жиноятлар тоифасига қандай жиноятлар мансублиги хусусида фикр юритишда молия ҳуқуқи қоидаларига марожаат қилишимизга тўғри келади.

Соҳа адабиётларида “давлат молиясига” умумдавлат эҳтиёжларини молиялаштириш учун зарур бўлган пул маблағлари, жамғармаларини

¹ <https://complyadvantage.com/knowledgebase/financial-crime/>

² Ларичев В.В. Предварительное расследование преступлений в СИМ и Германии: Дис.... канд. юрид. наук.- Москва, 2004. С.21-

³ Лапшин В.Ф. Финансовые преступления в структуре экономических уголовно наказуемых посягательств // Актуальные вопросы юриспруденции. С.10. веб манзил: <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovye-prestupleniya-v-strukture-ekonomicheskikh-ugolovno-nakazuemyh-posyagatelstv>

(фондларни) ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими, деб таъриф берилган¹. Молия кенг маънода нафақат давлат молиясидан, балки нодавлат молиялардан ҳам иборат бўлади. Ушбу молиявий муносабатлар учун фондлар ташкил этилади. Қонунларда фондларнинг номлари айрим вазиятларда аниқ баён қилинади: Устав фонд, заҳира фонд. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 3-моддасида **бюджет тизими бюджетларига ҳам “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари”** деб таъриф берилган. Хуллас, фондларни шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг шакллантирилишини, тузилишини ҳамда ижросини назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни тартиботига қарши содир этиладиган жиноятлар молиявий жиноятлар ҳисобланади. Бундай жиноятларни рўйхатини 2-Иловада келтирамиз. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар эса, ҳам молиявий, ҳам коррупцияга оид жиноятлар тоифасига мансуб бўлади. Бу туркумдаги жиноятлар тадқиқот ишимиз объекти саналади. Уларнинг рўйхати магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида келтирилади.

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилишига имкон қолдирмаслик мақсадида қонунчилик билан қамраб олинмаган салбий ҳолатлар учун жавобгарликнинг белгиланиши айни муддао бўлар эди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг янги лойиҳасига “Ноқонуний бойиш” деган ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарлик белгилаш лозим. Унинг мазмунида шахснинг манбаси кўрсатилмайдиган даромади унинг охириги йиллик даромадидан 50 баробар кўп бўлса, ноқонуний бойиган деб баҳоланиши назарда тутилиши лозим. Бу ўз навбатида даромадлар декларациясини тўлдиришни амалиётга жорий

¹ Li A. O'zbekiston Respublikasining moliya huquqi: Darslik. 2-nashr (qayta ishlangan va to'ldirilgan). –T.: TDYuI, 2006. -7-bet.

қилиш билан биргаликда амалга оширишни таъқазо этади. Бу каби янгиликлар албатта молиявий ва коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилишини кескин камайишига олиб келади.

1.2. Жиноятларни тергов қилиш криминалистик методикаси тушунчаси ва аҳамияти

Жиноятларни тергов қилиш криминалистик методикаси жиноятларни тергов қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, жиноятларни тергов қилиш методикаси умумий қоидаларининг илмий асосланган тарзда ишлаб чиқиш ўтган асрнинг 70-80-йиллардан бошланди¹.

А.Н.Васильев криминалистик методикани тергов амалиётини, жиноят усулларини ва изларни ҳосил бўлиш механизмларини ўрганиш асосида, тергов самарадорлигини таъминлаш мақсадида жиноятларнинг криминалистик таснифланиши*, терговнинг бошланғич ва кейинги даврларини ташкил этиш, шунингдек тергов тактик усул ва илмий техник воситаларни қўллаш хусусидаги тавсиялар тизими деб баҳо беради².

Н.А.Селиванов эса, методикани исбот қилиш предмети билан боғлаб, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш ва режалаштириш асосида исбот қилишни амалга ошириш мақсадида “қойил мақом” кетма-кетликда амалга ошириладиган ўзаро алоқадор ва бир –бирини тақазо қилидиган тергов ҳаракатлари тизими деб кўрсатади³.

Н.Л. Гранат эса, жиноятларни тергов қилиш методикасига

¹ Косарев С.Ю. Основные этапы развития криминалистических методик расследования преступлений // Вестник криминалистики. 2007. № 2 (22). С. 54–60.

* Жиноятларни криминалистик таснифлаш жиноят –ҳуқуқий ва криминалогик таснифлашдан фарқ қилади. Одатда жиноятлар жиноят –ҳуқуқий жиҳатдан таснифланганда уларнинг оғирлик даражасига ёки объектига кўпроқ эътибор берилади. Бундан ташқари, криминалогик таснифлашда жиноят субъекти, содир қилиш жойи ёки вақтига, жиноятнинг очилган ёки очилмаганлигига эътибор қаратилади. Жиноятларни криминалистик таснифлашда жиноят таркибининг исталган элементига кўра, жиноятлар муайян гуруҳга ажратилиб кўрсатилиши – таснифланиши мумкин. Масалан, қўлбола тайёрланган портловчи ускуналар билан содир этиладиган жиноятлар ёки бизнинг тадқиқот предметимиз бўлган молиявий жиноятлар. Булар жиноятларнинг криминалистик таснифлашга хосдир.

² Васильев А.Н Проблемы методики расследования отдельных видов преступлений. М. : Лекст Эст, 2002. С. 24.

³ Селиванов Н.А. Сущность методики расследования и ее принципы // Социалистическая законность. 1976. № 5. С. 61.

жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш учун криминалистикада тавсия қилинган тактик, техник, тезкор-қидирув ва ташкилий усуллар ҳамда воситаларнинг мақсадга мувофиқ ташкилий тизими, деб таъриф берган эди¹. Албатта, бу таъриф олдингиларига нисбатан тўғрироқ туюлади. Сабаби, жиноятларни тергов қилишда тергов ҳаракатлари билан бир қаторда тезкор қидирув ва ташкилий ишларни тўғри ташкил этиш муҳимдир. Мисол учун, айрим далилий маълумотлар борки, уларни тўплаш учун тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тақозо қилинади. Хусусан, коррупцияга оид жиноятлар бўйича ҳам. Ёки бўлмаса, билимли терговчи бўлиши мумкин, бироқ гувоҳларни бир-биридан алоҳида ҳолда турли вақтларда чақириб, сўроқ қилишни пухта ташкил этмаса, уларнинг келишиб олиш эҳтимоли тергов қилишни қийинлаштиради. Бундай ҳолатлар содир бўлмаслиги учун терговчида тажриба ҳам етарли бўлиши лозим.

Жиноятларни тергов қилишга криминалистика фанининг мустақил ва яқуний қисми² ёки криминалистика фанининг мумтоз бўлими³ сифатида ҳам таъриф беришади.

Н.П.Яблоков алоҳида турдаги жиноятларни тергов қилиш методикасини криминалистика фанининг жиноятни содир этиш тажрибасини ва уларни тергов қилиш практикасини ўрганувчи, криминалистик қонуниятларни билиш асосида, жиноятларнинг ҳар хил турларини тергов қилиш ва олдини олишнинг самарали усулларини ишлаб чиқувчи қисми деб ҳисоблайди⁴.

Юқорида билдирилган фикрларнинг ҳеч бирини мутлоқ инкор қилиб бўлмайди. Бироқ, Н.П.Яблоковнинг билдирган фикрида яна бир ижобий жиҳат борлигига эътибор қаратмоқчиман. Унинг фикрида жиноятларни

¹ Гранат Н.Л. Первоначальные следственные действия и их роль в методике расследования // Методика расследования преступлений. Общие положения: материалы научно-практической конференции. (Одесса, 1976). М., 1976. С. 80.

² Возгрин И.А. Введение в криминалистику: История, основы теории, библиография. – СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2003. –С. 240.

³ Артемов И.Ю. Некоторые особенности понятие криминалистической методики расследования преступлений // Вестник Нижегородской академии МВД России, 2011, №1 (14). –с.122.

⁴ Яблоков Н.П. Криминалистика: учебник для вузов и юридических факультетов. М. : Юристъ, 2005. С. 267.

тергов қилиш методикасини ишлаб чиқишда жиноятнинг содир этилиш тажрибасини ўрганиш лозимлиги ҳам таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларида криминалистик методикага (*Жиноятларни тергов қилишнинг методикасига –таҳр*) нисбатан жиноятни тергов қилишни самарали ташкил этиш ва амалга оширишнинг амалиётда ўз тасдиғини топган энг мақбул назарий қоидалари ва муайян тавсияларини ўз ичига олади, деб фикр берилган.¹

Жиноятларни тергов қилиш методикаси назаримизда, назарий билим ва тавсифларнинг шаклланиши мунозарали масала эмас. Бироқ унинг таркибига қонун нормалари киради. Муайян қонунга хилоф бўлган ҳаракатнинг тактик жиҳатдан тўғрилиги ёки легитимлиги хусусидаги назарий фикрга таяниб туриб, ҳаракат қилиш қонун бузилишига сабаб бўлади. Мисол учун давлат харидларини ўтказиш тартибини бузиб, давлат пулларини коррупциявий тарзда ўзлаштириш ҳолати, хусусий тадбиркорлик субъектларини текшириш, аниқроғи, тинтувни тегишли рухсатни олмасдан туриб, ўтказиш қоидабузарлик ҳисобланади, гарчанд тинтувнинг процедураси қонун талаблари асосида ўтказилган бўлса-да.

Жиноятларни тергов қилиш методикасига таъриф беришда одил судлов, аниқроғи суриштирувда ва дастлабки терговда тергов мақсадлари, судда эса ишни кўриш мақсадлари билан боғлиқлигига эътибор берилмаган. Тадқиқот доирасида, жиноят-процесси ва криминалистикага оид манбаларнинг ҳамда қонун ҳужжатларининг таҳлили асосида жиноят ишларини судга қадар тергов қилиш мақсадларига қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) жиноятни очиш, яъни унинг содир этилганлиги ва содир этган шахсларни аниқлаш;

2) жиноят иши бўйича далилларни мустаҳкамлаш ва сақлаш

¹ Kriminalistiki: Darslik / T.V.Mamatqulov, I.Astanov va boshq. –Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. 380-bet.; Жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик методикаси: Ўқув қўлланма / Р.Р.Шакуров, Ш.Т.Джуманов, Н.Тоштемиров, Д.Р.Тураева, О.Д.Алланазоров. –Т.: .: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2013. 5-бет.

чораларини кўриш;

3) жиноят содир этган шахсларнинг иштирокини таъминлаш;

4) жиноят натижасида етказилган зарарларни қоплаш чораларини кўриш;

5) жиноятнинг сабабларини аниқлаш ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб таъриф берадиган бўлсак, жиноятларни судга қадар тергов қилиш методикаси – суриштирув ва дастлабки тергов мақсадларидан келиб чиқиб, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш учун терговни самарали ташкил этиш бўйича криминалистик, ҳуқуқий ва назарий билимлар ҳамда услубий тавсиялар йиғиндисидир.

Жиноятларни тергов қилишнинг умумий методикаси тушунчасига кўйидагилар киради:

1. Бу ўзаро алоқадор элементлар тизими: - жиноятларнинг умумий ва жиноятларнинг гуруҳ криминалистик тавсифи ва алоҳида жиноятларнинг криминалистик тавсифи; тергов вазиятларини аниқлаштириш, версияларни илгари суриш ва терговни режалаштириш; терговчининг тезкор-қидирув бўлимлари ва жиноятларни тергов қилишда иштирок этаётган бошқа органлар билан ҳамкорлиги; жиноятни тергов қилишнинг этаплари (босқичлари); тергов ҳаракатларини ўтказишнинг тактик ўзига хослиги; терговга тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш ва жиноят судлов ишларини юритиш иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш; жиноятларни олдини олиш чоралари.

2. Тергов қилиш методикасининг вазифалари: жиноий фаолиятни ўрганиш; жиноятни аниқлаш ва олдини олиш; жиноятларни очиш мазмуни билан тергов қилиш; жиноятни содир этишга ёрдам берувчи ҳолатларни аниқлаш; терговга халақит бераётган ҳолатларни аниқлаш; жиноят процессуал қонунчиликда кўрсатилган жиноят ҳолатларини исбот қилиш; жиноятни тергов қилиш методикаси илмий

асосларини яратиш.

3. Жиноятларни тергов қилиш қуйидаги кичик тизимларни ўз ичига олади: ўзининг таркибий элементлари билан бирга жиноятларни тергов қилиш криминалистик методикасининг умумий қоидалари; алоҳида тур ва гуруҳлардаги жиноятларни тергов қилишнинг турга хос методикаси; алоҳида жиноятларни тергов қилишнинг хусусий методикаси.

4. *Жиноятларни тергов қилиш методикаси тизими манбалари:* жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари нормалари; криминалистиканинг умумий назарияси; жиноий фаолият тўғрисидаги маълумот; криминалистик тактика; криминалистик техника; тезкор-қидирув фаолияти назария ва амалиёти; мантиқ ва психология элементи билан таниш назарияси; жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг амалий тажрибаси.

2-БОБ. МОЛИЯВИЙ ВА КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

2.1. Терговга қадар текшириш босқичида молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича тезкор қидирув маълумотларидан фойдаланиш ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказиш

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар ўзининг содир этилиши, унга тайёргарлик кўриш ва жиноят изларини яширишга қаратилган ҳаракатлар жамланмаси билан бошқа тоифадаги жиноятлардан кескин фарқ қилади. Буларнинг энг асосий ўзига хослиги бу тоифадаги жиноятлар даврий латент ҳолатида бўлишидир. Маълум бир шароитнинг ўзгариши билан (мансабдор шахснинг ишдан олинishi, молиявий текширувлар ўтказилиши, бошқа жиноятни тергов қилиш жараёнида, унинг якунига етиши билан маълум бўладиган ҳолатлар ва б.) илгари содир этилган жиноятни очишга имкон беради.

Бу тоифадаги жиноятларни тергов қилишнинг қийинлиги ва бунинг натижасида даврий латентлик ҳолатида бўлишини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- давлат ташкилотлари, муассасалари ва идоралари фаолиятининг кўп ҳолларда ёпиқлик ҳарактерга эгалиги;

- давлат ташкилотлари, муассасалари ва идоралари мансабдор шахслари орасида жамоавий солидарлик хусусиятининг мавжудлиги ва бу ҳолат одил судлов, омма манфатларидан устун қўйилиши¹;

- молиявий ва коррупцияга оид жиноий ҳолатларнинг сир сақлашга коррупциявий манфаатнинг мавжудлиги;

- ҳокимият ваколатлари билан уйғунлиги, яъни молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар содир этган мансабдор шахснинг ушбу ҳолатни сир сақлаш бўйича ўз ричагларини ишлатиши мумкинлиги,

¹ Кондратьюк Л.В., Овчинский В.С. Криминологическое измерение / под ред. К.К. Горяинова. М. : Норма, 2008. С. 186–189

хаттоки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қонуний фаолиятига тўқинлик қилиш ёки уларнинг таъсир кучидан фойдаланиши;

- ўзбек халқининг андишалилик хусусияти билан йўғрилган менталилети ёки мансабдор шахснинг ноқонуний таъсирдан чўчиш ҳиссининг мавжудлиги;

- молиявий ва коррупцияга оид жиноий ҳолатларнинг содир этилганлиги хусусида амалиётда кўп учрайдиган ишончсиз ва асоссиз муурожаатларнинг амалга оширилиши;

- айрим қонун ҳужжатларимизда, хусусан айрим маъмурий тартиб таомилларимизда коррупциявий ва молиявий жиноятларни содир этишга имкон берилаётганлиги.

Шунинг учун ҳам ушбу тоифадаги жиноятларга қарши курашишда О.В.Чельшева фикри билан айтганда, жиноят содир этишдаги асосий маълумотлар манбаси бўлган – ҳужжатлар, шахсий маълумотлар ва қора бухгалтерия маълумотларини топиш мушкул¹.

Ҳозирги тезкор-қидирув ва тергов амалиёти процессуал ва но процессуал манбалардан маълумотлар олишнинг қуйидаги ўзига хослигига риоя қилишни тақазо қилади: а) терговга қадар материаллар бўйича ва жиноят ишларини тергов қилишда вербал (оғзаки) ва новербал манбалардан олинган маълумотлар асосида фактларни аниқлаш; б) иш юритиш ҳужжатлари ва электрон ҳужжатлар айланишидан маълумотларни аниқлаштириш; в) исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларга тўғри ёки эгри (билвосита) алоқаси бўлган ва жиноят ишида акс эттиришнинг имкони бўлмаган тезкор маълумотлар билан ишлаш ҳамда уларнинг натижаларига қонуний тус бериш; г) дастлабки терговни ўтказишнинг стратегик йўналишларини белгилаб олиш ва тергов вазиятларини олдиндан башорат қилиш; д) жиноят ишининг кейинги стратегик йўналишларини аниқлаш мақсадида тергов ва тезкор-қидирув маълумотларини уйғунликда таҳлил қилиш; е) тезкор-қидирув натижалари

¹ Чельшева О.В. Гносеологические основы криминалистики (теоретико-прикладное исследование) / под ред. И.А. Возгрин. СПб. : Санк-Петербургский ун-т МВД России, 2003. С. 56.

ва тергов ҳаракатларида йиғилган маълумотларни текшириш мақсадида процессуал ҳаракатларни ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини таҳлил қилиш.

Жиноят ишини қўзғатишга асос бўлувчи маълумотлар ва тезкор кидирув маълумотлари уларнинг ташқи ифодаси бўлган – жиноят тўғрисида фуқаролардан аризалар берилган, корхона ва муассасалардан хабарлар келиш тушган, оммавий ахборот воситаларидан хабарлар берилган ва бошқа сигналлар келиб тушган вақтдан бошлаб аҳамиятли ҳисобланади. Бироқ назариядан маълумки, тўлиқ текширилган ва ишончли маълумотлар кўп ҳолларда тезкор кидирув тадбирлари натижаси сифатида тақдим қилинади.

Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Академияси катта ўқитувчиси Р.Жилкайдоров ўтказган тадқиқотда ахборот технология воситаларини қўллаб содир этилган жиноий даромадларни ювиш ва коррупцияга оид жиноятлар ахборот бўйича воқеа жойини кўздан кечиришда йўл қўйиладиган асосий камчиликлар керакли ашёвий далилларни таниб олмаслик, электромагнит ёзувлардаги маълумотларни яроқсиз ҳолатга келтириш, компьютерда тегишли папкаларни натижасиз излаш, далиллар мустаҳкамлаш қоидаларини бузиш ҳолатлари мавжудлигини таъкидлайди¹.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун тажрибали ва ёш терговчилар ўртасида устоз-шогирд ишларини ташкил этиш керак.

Давлатимиз ҳуқуқ тизимининг ўзига хослиги, ижтимоий ҳаётимизнинг тузилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти ҳамда инсонларнинг ҳуқуқий маданияти шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ташқарида бўлган манбалардан молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар ҳусусида аксар ҳолларда прокуратура органларига маълумотлар келиб тушади. Бу ерда молиявий, иқтисодий ва

¹ Жилкайдоров Р. Противодействие отмыванию денег полученнх посредством ИКТ и коррупционнх схем. // электрон вариант. 40-бет.

коррупциявий жиноятларларга қарши курашда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг фаолияти билан ҳам бевосита боғлиқ. Ушбу маълумотлар тергов органларига сигнал ёки бирламчи маълумот эмас, балки “тайёр маҳсулот” сифатида жўнатилади. Бу ўз навбатида, терговчига тергов доирасини белгилашга жуда қўл келади ва ишини осонлаштиради.

Тезкор-қидирув маълумотларини тўплаш жиноят ишини қўзғатиш процессуал босқичининг ядроси ҳисобланганлиги¹ боис молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича терговга қадар текширишнинг самарадорлиги терговчининг касбий, ташкилий ва тактик ҳаракатларига боғлиқ.

Бошқа жиноятлар қатори молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар содир этилганлиги хусусида маълумотларни олиш ва уларни текшириш вақтнинг ўлчовлилиги (ЖПК 329-моддасида муддатлар), исбот қилиш учун тўлиқ ваколатлар имкониятига эга эмаслик, маълумотларнинг махфий сақланишини таъминлаш тартиб таомилига амал қилиш билан характерланади.

Назарияда ушбу масалани ўрганган олимларнинг илмий хулосаларига² қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, терговга қадар иш юритиш босқичида асосий моментлардан бири терговчининг тезкор-қидирув органлари, бошқа органлар билан ҳамкорлиги ҳисобланади. Назаримизда молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича терговолди ҳаракатларни амалга оширишда терговчининг тезкор қидирув органлари билан ҳамкорлигида қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши лозим:

- тезкор қидирув органлари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари натижаларини тақдим қилишдан олдин, терговчи тезкор қидирув органлари билан маслаҳатлашувни амалга ошириши керак. Бу терговга қадар текширишнинг самарадорлигини таъминлайди;

¹ Петрухин И.Л. Возбуждение уголовного дела по действующему УПК РФ // Государство и право. 2005. № 1. С. 67.

² Гармаев Ю.П. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности при расследовании уголовных дел о взятничестве : практическое пособие. М. : Издательский дом Шумиловой И.И., 2005. С. 9.

- молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича терговчиларнинг шахсий масъулиятини таъминлаш ва сезиш мақсадида улар тезкор-қидирув тадбирлари натижаларини шахсан ўзи (унинг бошлиғи эмас) қабул қилиб олиши керак;

- терговчилар терговга қадар текширишда хатоларга йўл қўймаслик учун молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар юз берган соҳа вакиллари бўлган мутахассисларни кўпроқ жалб қилиши лозим. Сабаби солиқ, молия, банк, бухгалтерия, статистика, қурилиш, ахборот технологиялари, алоқа ва бошқа иқтисодий соҳалар фаолиятини ҳуқуқ тартибга солсада, ҳуқуқшунос бўлмаган ушбу соҳа вакили ўз соҳаси бўйича терговчидан билимли бўлиши мумкин.

Амалиётдан бизга маълум бўлган муаммоли ҳолатлардан бири жиноят юз бермаган вазиятда унинг юз берганлигини кўрсатувчи хабарлар ва аризаларнинг келиб тушиши. Тўғри, терговчи уларни текширади, бироқ, назорат қилувчи органлар томонидан келиб тушадиган текшириш далолатномаларида хатолар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги терговчини ҳам қийнаб қўяди. Шунинг учун терговга қадар текширишни ҳам ташкил қилиш тактикасига риоя қилиш керак. Бу борада нима қилиш керак? Назарияда А.Н.Ильин томонидан жиноятлар тўғрисидаги аризани текширишнинг тактик хусусиятлари ишлаб чиқилган. Унга қуйидагилар киритилган: 1) текширишнинг вазифа ва чегаралари; 2) текшириш усул ва воситалари; 3) жиноятнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалистик ўзига хослиги; 4) жиноят тўғрисидаги маълумотларнинг тавсифи; 6) текширув амалга ошириладиган вазиятнинг ўзига хослиги.

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича терговга қадар текширишни амалга оширишда маълумотлар билан ишлашнинг тактик қоидалари қуйидагилардан иборат:

- ҳар хил текшириш ва тезкор ҳаракатларга нисбатан турлича вазиятларни моделлаштиришга имкон берадиган маълумотларни излаш;

- гумон қилинувчининг криминал ахлоқи хусусидаги ҳолатлар тўғрисида, қонун ва ички меъёрий ҳужжатлар нуқтаи назаридан, маълумотлар тўплаш;

- ушбу мансабдор шахснинг ахлоқининг криминал факторларидан бўлган моддий ва мулкӣ ҳолатини текшириш;

- тезкор қидирув тадбирлар ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларига (воқеа жойини кўздан кечириш, олиб қўйиш, тинтув, нарса ва ҳужжатларни талаб қилиш ҳамда бошқалар) тайёргарлик кўриш;

- маълумотларни махфӣ сақлаш билан боғлиқ барча қонуний чораларни кўриш.

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалардан бири терговчиларнинг касбий жиҳатдан янада юксалтириш масаласидир. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишга ихтисослашган терговчиларни таёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан терговчиларни тайёрлашда “устоз-шогирд” анъаналаридан кенг фойдаланиш лозим. Шу мақсадда прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органларида белгиланган штатлар жадвали доирасида “**терговчи-ёрдамчиси**” лавозимини жорий этиш ва у тажрибали терговчиларга шогирд сифатида маҳоратини ошириб бориши лозим.

2.2. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича анъанавий тергов вазиятлари ва тергов методикаси

Жиноят ишини тергов қилиш бошланиши ва кейинги босқичлари турли хил тергов вазиятларига асосланади. Тергов вазиятларига эса, мавжуд жиноят содир этилганлиги хусусидаги далилий маълумотлар, процессуал ва нопроцессуал хабарлар таъсир кўрсатади. Тергов вазиятлари – жиноят иши бўйича ахборот ресурслар жамланмаси сифатида, терговчининг жиноят тусмолларини илгари суриш, тергов ҳаракатларини ва тезкор

тадбирларини ўтказишнинг умумий ва “тусмолларга хос” дастурини тузиш, бир сўз билан айтганда дастлабки терговни илмий ташкил қилишда намоён бўладиган ташкилий-рахбарий фаолиятига асос бўлиб хизмат қилади.

Тергов қилишнинг муайян шароити ўзига хос ҳоллар билан белгиланиб, криминалистикада тергов вазияти деб ҳам аталади¹.

Тергов қилиш жараёни шароитлари хилма-хил омиллар таъсирига дуч келиб объектив (тергов қилиш жойи ва вақти, исботловчи ахборотнинг вужудга келиш сабаблари) ва субъектив (терговчининг мутахассислик даражаси ривожланиши, терговга алоқадор шахсларнинг юриш-туришлари ва ҳоказо) таърифларга эга бўлади².

Тергов вазияти терговчи ҳаракат қилиши керак бўлган шаротни тавсифловчи маълумотлар жамланмасидир.

Тергов вазиятини тўғри англаш учун терговга таъсир этиши мумкин бўлган барча омилларни ҳисобга олиниши лозим. Боиси, бу омиллар тергов вазиятини вужудга келтирган бўлади ва биринчи галда вазиятнинг йўналиш бўйича ривожланишини ҳамда келгуси фаолиятнинг мазмунини аниқлаб олишга хизмат қилади. Масалан, молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича терговчига гумон қилинувчи ва айбланувчининг жамиятдаги мавқеидан келиб чиқиб, таъсир ва аралашини инобатга олиши ва унга тайёр туриши лозим. Ушбу шахсни ушлаб туриш керак бўлса, уни, иш жойини зудлик билан тинтув қилиш, сўроқ қилишни такозо қилинса ва шу каби вазиятларда терговчи муайян шароитларни ҳисобга олиб, ўзида мавжуд маълумотларга асосланиб, ҳаракатларни қай йўсинда олиб боришни белгилаб олади, қандай кучларни жалб этиш ва қандай кетма-кетлик асосида ишни ташкил этиш, жиноят изларини «иссиғида» очишни ёки бир вақтда бир неча гумон қилинувчининг турар жойи, иш жойи (офиси) бўйича тинтувни ташкил қилишни амалга оширади, аввалги

¹ Маматқулов Т.Б., Астанов И. Ва бошқ. Криминалистика: Дарслик. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. 258-бет.

² Ўша жойда.

тузилган ҳаракат қилиш режасини қандай тўлдириш ва қўшимчалар қўшиш мақсадга мувофиқ бўлиши ва шу кабиларни таъминлайди.

Бироқ, шунини таъкидлаш лозимки, молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш мураккаб тергов вазиятларини намоён этади. Сабаби, молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар тўғрисидаги иш ҳолат юзасидан қўзғатилган бўлса, қўзғатилиши ҳамано тергов муаммоли ва ўта зиддиятли тергов вазиятига ўтади. Бу терговчидан тергов ва тезкор имкониятлар билан ҳолатга зудлик билан муносабат билдиришни ва объектив баҳолашни талаб қилади.

Мисол учун муайян соҳа ёки ташкилотда пора талаб қилиш ёхуд пора олишнинг кўп бора содир этилиш ҳолати бўйича келиб тушган ариза бўйича тадбир қилинаётганда, албатта, жиноий схема хусусида тўлиқ маълумотларни шакллантириш керак. Акс ҳолда пора беришга воситачини аниқлаш билан тергов якунига етиши мумкин, холос. Ҳақиқий коррупцион жиноятнинг тепасида бўлган шахс жавобгарликдан қутилиб қолаверади. Воситачи пулни кимга, қачон, қандай тарзда бериши ва шу каби аҳамиятли саволларга жавоб тайёрланиши лозим.

Молиявий ва коррупциявий жиноятларни тергов қилишда тергов вазиятлари шаклланишига таъсир этадиган ҳолатлар қуйидагича:

1) айбланаётган, гумон қилинаётган шахснинг мансаб мавқеи унинг жиноят процессидаги иштирокчи сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришига таъсир этиш даражаси;

2) процессуал ва нопроцессуал маълумотларга нисбатан исбот қилинганлик ҳолати, яъни жиноят устида қўлга тушган шахс ва терговда фош этилганлик ҳолатида тергов хулосаларининг бири-бирига мос келиши;

3) жабрланувчи томоннинг позицияси, яъни тергов бошланишидаги позиция тергов давомида объектив ёки субъектив омиллар натижасида ўзгариши эҳтимоли юқорилиги;

4) айбланаётган, гумон қилинаётган шахснинг терговнинг қонуний юритилишига таъсир этиши;

5) айбланувчини фош этишга хизмат қиладиган ҳужжат, моддий далиллар ва электрон воситаларнинг сақланганлиги ҳамда мавжудлиги.

Умуман, тергов вазиятлари ҳар бир жиноят ишида бетакрор ва қайтарилмас бўлади. Фанда уларнинг муайян гуруҳларини типик тергов вазиятлари дейишади. Ўрганиш мақсадида молиявий ва коррупциявий жиноятларни тергов қилишда тергов вазиятлари мавжуд бўлиши мумкин деган хулосага келдик:

Тергов вазиятларининг турлари тўғрисидаги муаммо ҳозирги пайтда мунозарали бўлиб, тергов вазиятлари таснифи асосида хилма-хил асослар келтирилади. Улар тергов вазиятини ҳар қандай жиҳатдан, яъни мураккаблик жиҳати бўйича, зиддият муносабатлари мавжудлиги, ўзига хослик даражаси, йиғинди хоссаларининг кўплиги (комплекслик даражаси), босқичларга эгаллиги, тергов олдида турган вазифаларни ечиш учун маъқуллик даражаси бўйича таърифлайди. Гарчи тергов вазиятининг мазмуни муайян жиноятни тергов қилиш учун зарурий чораларни белгилаш асоси (базаси) сифатида хизмат қилса ҳам, унинг таснифини ташкил этувчи асослар тергов олдида турган вазифаларни ҳал этиш имкониятларини акс эттириши лозим.

Шунга асосан, фанда маъқул ва номаъқул; зиддиятли ва зиддиятсиз; типик ва ўзига хос; бошланғич (дастлабки), оралик (боғлаб берувчи) ва яқунловчи тергов вазиятларини келтириш мумкин¹.

Қуйида молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар билан боғлиқ энг муаммоли тергов вазиятларини ҳал қилиш йўллари аниқлашга ҳаракат қиламиз:

1-вазият. Дастлабки терговнинг бошланғич босқичида жиноятни содир этишда иштирок этган ҳеч бир иштирокчининг маълум эмаслиги.

¹ Kriminalistika taktikasi. Dasrlik // T.B.Mamtuqlov, Sh.T.Djumanov, U.T.Turgunov va boshq. –Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2013- 50-bet.

Бу вазият аввало, мансабдор шахслар уларга қарши олиб борилаётган тергов-тезкор ҳаракатлардан хабардор бўлган ҳолда, маълумотларнинг бевақт ошкор бўлишидан келиб чиқади. Бунга йўл қўймаслик ёки бартараф қилиш учун жиноят иши бўйича маълумотларнинг максимал даражада махфий сақланишини таъминлаш лозим, токи бошқа шериклар ҳақиқий тергов маълумотларидан воқиф бўлиб қолмасинлар. Амалда фақат шу ҳолатдагина жиноятга алоқадор шахсларнинг шахсини аниқлаш мумкин. Терговчи жиноятнинг барча иштирокчилари томонидан содир этилиши механизмини ўрганиши керак. Мансабдор шахснинг телефон ва бошқа усуллар орқали бошқа шериклари билан боғланишлари, яқин танишларини, шахсий ҳаёти ва ишининг табиатидан келиб чиққан ҳолда уларни ўрганиши лозим.

2-вазият. Дастлабки терговнинг бошланғич босқичида терговнинг ишига тааллуқли барча ҳужжатлар ва ашёлар олиб қўйишига ҳали улгурмаслиги.

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларда ҳужжатли далиллар мазкур жиноятларни тергов қилишнинг типик далили ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жиноят ишини кўзғатиш билан барча ҳужжатлар, компьютерлар, серверлар, флеш-карталарни тинтув ўтказиш ёки нарса ҳужжатларни талаб қилиб олиш йўли билан дарҳол қўлга киритиш керак. Ҳаттоки, жиноят иши кўзғатилгунга қадар прокурорнинг назорат функцияси доирасида ҳам уларни қўлга киритиш мумкин. Шу билан бирга, ҳужжатлар сақланиши мумкин бўлган барча уй-жой объектлари, офислар ва бошқа биноларда тинтувларни ташкил этиш лозим. Уларнинг етишмаслиги фақат гувоҳларни сўроқ қилиш, текширилаётган муассаса билан алоқаси бўлган бошқа ташкилотлардан ҳужжатларни олиб қўйиш билан қопланиши мумкин. Бу эса, ортиқча куч ва вақтни талаб қилади.

3-вазият. Дастлабки терговнинг бошланғич босқичида гумон қилинувчи кўрсатув беришдан бош тортиши ёки жиноятга алоқадор

эмаслиги ёки унинг ҳаракатларида жиноят элементларининг йўқлиги ҳақидаги ёлгон кўрсатувлар бериши.

Ушбу вазият терговнинг дастлабки босқичида олинган далиллар етарли бўлса ҳам юз бериши мумкин. Терговда гумон қилинувчи билан бирга унинг ҳимоячиси (адвокат) иштирок этишини инобатга олиб айтиш лозимки, ҳимоячи далиллар тақдим қилиб бўлса ҳам тергов йўналишини ўзгартиришга ҳаракат қилади. Бундай вазиятда терговчидан далилларни ўз вақтида баённомага киритиб бориш талаб қилинади. Баъзан гумон қилинувчининг бир қатор далиллари (янги “гувоҳлар”, қалбаки ҳужжатлар ва бошқалар) ўз тасдиғини топиши мумкин.

4-вазият. Жиноят иши бўйича тергов ёки тезкор ахборот мавжуд бўлган, аммо етарли далиллар мавжуд бўлмаган жиноятнинг бошқа эпизодлари исботланмаганлиги.

Терговчи терговнинг оқилона муддатларда ўтказилишига ҳаракат қилиб, жиноят иши бўйича эпизодлар мавжудлигини прогнозлаштириши (олдиндан айтиб бериши) лозим. Ишнинг оптимал тартиби тезкор хизматларга жиноий фаолиятнинг бошқа эпизодларини аниқлаш ва уларни бажаришнинг реал муддатларини белгилаш бўйича кўрсатмалар беришдан иборат бўлади. Бу муддат ҳам ишни яқунлашга, тўлиқ барча ҳолатларни аниқлашга имкон бермаса, охириги чора сифатида иш материалларини ёки жиноят ишларини алоҳида юритувга ажратади.

5-вазият. Жиноят ишини тергов қилишда айбланувчининг иқрорлик мазмунидаги илгариги кўрсатувидан бош тортиши ва ёлгон кўрсатув беришга ўтиши ёки кўрсатув беришдан бош тортиши.

Аввало, гумон қилинувчини (айбланувчини) биринчи маротаба сўроқ қилишда терговнинг кейинги эҳтимолий версияларининг ҳеч бирини тушуриб қолдирилмасдан иш учун аҳамиятли ҳолатлар хусусида саволлар бериш керак. Гумон қилинувчининг (айбланувчининг) кейинчалик ўз кўрсатувларини ўзгартиришига трагедия сифатида қарамасдан, далилларнинг бошқа манбаларини излашга тўғри келади. Биринчи ўринда,

хужжатли текширувларга эътибор қаратиш, экспретиза ва тафтиш тайинлаш, мутахассисларни жалб қилиб, кейинги тергов ҳаракатлари хусусида маслаҳатлашишни амалга ошириш лозим.

2.3. Исбот қилишини лозим бўлган ҳолатларни белгилашнинг криминалистик методикалари

Исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар фанда турлича номланади: “исбот қилиш предмети”, “исботлашнинг фактик асослари”, муайян ҳаракатнинг “процессуал асослари” ва ҳ.к.

Исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар ҳар бир тоифадаги жиноят ишида индивидуаллик характерида бўлади ва жиноят ишининг турли босқичларида ҳам исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар турлича бўлади.

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича терговда исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар қуйидагича фарқланаши мумкин:

- 1) жиноят ишини қўзғатишда исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар;
- 2) гумон қилинувчи тариқасида жалб қилишда исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар;
- 3) жиноят ишида айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисидаги қарорни чиқаришда исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар;
- 4) айблов хулосасини тузишда исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар.

Жиноят ишини қўзғатиш вақтида жиноий ҳодисанинг юз берганлигини аниқлаш лозим. Айтайлик, банк муассасасида ўзлаштириш ҳолати аниқланди ва кимнинг айбдорлигини ҳал қилиш учун айнан қўшимча чораларни амалга ошириш керак. Жиноят процессида жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги принципи мазмунидан келиб чиқиб, зудлик билан жиноят ишини қўзғатиш лозим. Жиноятнинг юз берганлигини аниқланганлиги ушбу босқич учун етарли, агар бошқа ҳолатлар, масалан, жиноят содир этган шахсларнинг аниқланганлиги ҳам фойдадан холи эмас.

Шахсни гумон қилинувчи тариқасида жалб қилишда унинг жиноятни содир этиш учун асосли (далиллар билан тасдиқланган) тахмин етарли ҳисобланади. Амалиётдаги жиноят иши материаллари таҳлил қилинганда, айрим ҳолларда муайян ҳолатлар маълум бўлганида шахс айбланувчи тариқасида жалб қилинади, бошқа жиноят ишлари бўйича худди шу ҳолатлар маълум бўлганида жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги учратилади. Бу уларни фарқловчи чегарани аниқлашнинг мушкуллигини кўрсатади. Хусусан молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича.

Қонунчиликда ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш мақсадида гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиш учун исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг минимал чегараси кўрсатилган. ЖПК 359-моддасида “Шахс ушбу Кодекснинг 221-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган бўлса ёхуд ишда уни жиноят содир этишда гумон қилишга асос берувчи маълумотлар мавжуд бўлса, у жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинади” дейилган.

Шахсни гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиш пайтида аниқланиши талаб қилинидиган ҳолатларнинг минимал чегарасини аниқлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорида тушунтириш берилади. Унда белгиланишича, шахс ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра ушланган ҳолларда, гарчи бу ҳақда тегишли баённома шахс ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига келтирилганидан кейин расмийлаштирилса-да, у амалда ушланган (қўлга олинган) пайдан бошлаб гумон қилинувчи ҳисобланади. Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз билан тегишли давлат органига мурожаат қилган шахс ҳам гумон қилинувчи мақомига эга.

ЖПК 211 ва 359-моддалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида қайд этилган қарорини таҳлил қилиш натижасида шахсни гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиш учун аниқланиши талаб қилинадиган ҳолатларнинг қуйидаги рўйхатини келтириш мумкин:

а) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушганлиги;

б) жиноят шоҳидлари, шу жумладан, жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатганлиги;

в) унинг ўзида ёки кийимида ёхуд уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилганлиги;

г) шахс айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз билан тегишли давлат органига мурожаат қилганлиги;

д) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган бошқа ҳолатларнинг аниқланганлиги.

Аниқланиши лозим бўлган ҳолатларнинг гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиш пайтидаги максимал миқдори, уларнинг айбланувчи тариқасида жалб қилиш ва гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиш вақтидаги чегараси ЖПК 47-моддасида умумий тарзда белгиланган. Унда белгиланишича, “Гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир”. Бундан кўриниб турибдики, шахсни гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиш учун исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларнинг максимал миқдори айбланувчи тариқасида жалб қилиш пайтида исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларнинг минимал миқдоридан ҳам кам бўлади. Агар исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларнинг миқдори шу даражадан ўтса, шахс айбланувчи тариқасида жалб қилинади. Буни бошқача тарзда изоҳлайдиган бўлсак, жиноят ишида шахс томонидан жиноят содир этилганлиги юзасидан исботланган ҳолатлар миқдорига қараб, яъни гумон

даражасида бўлса, шахс гумон қилинувчи тариқасида, айблов даражасида бўлса, шахс айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинади. Лекин бу исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатларнинг аниқ рўйхатини кўрсатишга етарли эмас.

Айрим олимларнинг айнан шу мавзуга бағишланган асарларида гарчанд саволга аниқ жавоб берилмаса-да, айбланувчи тариқасида жалб қилиш пайтида айбланиш учун лозим бўлган барча ҳолатларнинг аниқланиши кераклиги таъкидланади¹. Бунда мазкур “барча ҳолатлар” деганда, айблов хулосасини тузиш пайтидаги исботланиши лозим бўлган ҳолатлар назарда тутилган бўлса, айбланувчи тариқасида жалб қилиш билан тергов тўлиқ ўтказилганлигидан далолат беради. Бироқ дастлабки тергов шахс айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганидан кейин нима мақсадда давом эттирилади, деган савол жавобсиз қолади.

Масалага ойдинлик киритиш учун айблов хулосаси тузиш учун исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар хусусида тўхталишга тўғри келади. Бундай ҳолатлар ЖПК 82-моддасининг мазмунига кўра, айблов хулосаси тузиш вақтида:

- 1) жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар;
- 2) содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;
- 3) жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги;
- 4) жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари;
- 5) айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар аниқланиши керак.

¹ Очилов У. Привлечение в качестве обвиняемого в уголовно-процессуальном праве Узбекской ССР.: Автореф. дис. ... кан. юрид. наук. – Ташкент: ТГУ, 1963. – 6-8 с.; Очилов У. Привлечение к уголовной ответственности по уголовно-процессуальному праву УзССР. -Ташкент: Фан, 1976. – 12-18 с.

Айблов хулосасида бу ҳолатлар максимал аниқлик даражасида исботланади. Мисол учун жиноят содир қилиш вақти кун билан эмас, аҳамиятли бўлганида соатлар ва минутлар билан; содир этилиш усули аниқ ҳаракатлар билан; етказилган зиён ҳам ихчамлаштирилмасдан аниқ рақамларда кўрсатилиши керак ва ҳ.к.

Айблов хулосасини тузиш учун аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатларнинг, шахсни айбланувчи тариқасида жалб қилгунга қадар аниқланиши айбловни тўғри ифодалашнинг шарти ҳисобланади ҳамда аҳамиятга молик ҳолатлари тўла ва пухта ўрганилганлигидан далолат беради. Лекин иш учун аниқланиши лозим бўлган ҳолатларнинг барчаси ҳам айбланувчи тариқасида жалб қилиш пайтида аниқланмайди. Бунинг амалий имкони ҳам йўқ.

Айблов хулосаси (айблов далолатномаси) билан тамомланаётган жиноят ишларида тергов қилинаётган жиноятнинг жиноят ҳуқуқий нуқтаи назарда аҳамиятли барча элементлари исбот қилиниши лозим.

Молиявий ва коррупцияга оид жиноят ишларида қуйидаги типик ҳолатлар аниқланиши ва исботланиши шарт:

1) жиноятнинг содир этилиши, шу жумладан субъектлар жиноий натижага эришишга қаратилган аниқ ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги, жиноятни содир этиш усули, жойи ва вақти. Бу ҳолатлар қуйидагича батафсил бўлиши мумкин:

1.1) бу жиноятларни содир этишда воситачилар бўлган-бўлмаганлиги;

1.2) ташқаридан воситачилар бўлса, уларнинг бу ишга алоқадорлиги қачон вужудга келди ва уларнинг моддий манфаати мавжуд-мавжуд эмаслиги;

Молиявий ва коррупциявий жиноятларни тергов қилишда бу тоифадаги жиноятларнинг мансабдор шахслар томонидан содир этилган қисмининг ажралмас таркибий элементи мансаб ваколатларидан

ноқонуний ва асоссиз ҳаракатлар содир этилиши ҳисобланади¹. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбни аниқлаш ва айбнинг индивидуаллиги талабларини бажариш учун мансабдор шахснинг лавозим йўриқномалари, ички тартиб ҳужжатларини ўрганиш лозим. Сабаби коррупциявий ва молиявий жиноятларни тергов қилиш амалиётида янги лавозим ёки хизмат вазифаларига киришган шахслар тергов қилинади. Уларнинг жавобгарликка тортилиши масалаларини ҳал қилишда уларнинг ўз мажбуриятлари ҳақида хабардор қилинганликлари муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори²да лавозим ёки мансабларнинг турлари кўп, қолаверса трансмиллий корпоратив муносабатлар кўпаётган вазиятда янги лавозимларга дуч келинади. Муайян молиявий операция ёки коррупцион вазиятнинг олдини олишга масъул шахсларнинг жавобгарлигини белгилашда корхонада ушбу соҳани тартибга солувчи корпоратив ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳамда мазкур ҳужжат билан ушбу шахснинг таништирилганлиги аниқланиши лозим. Ёш ходимларнинг жиноят содир этишда айбланган айрим вазиятларида уларнинг ўз хизмат вазифаларини билмаслиги маълум бўлади. Бу ҳолат жавобгарликни истисно қилмасда, жиноятнинг бошқа иштирокчиларини топишга хизмат қилади. Бундай вазиятларда ўз хизмат мажбуриятларини (ваколатларини) билмайдиган шахсларни жиноий ҳаракатга ундаган шахсни аниқлаш лозим бўлади. Бу ўз навбатида ушбу шахснинг жавобгарлигини белгилаш учун ёки нотўғри шаклланган амалиётга барҳам бериш учун муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ханько А.В. Модели механизмов преступлений, совершаемых должностными лицами с использованием своих служебных полномочий, и их значение в расследовании // Социальные и гуманитарные науки на Дальнем Востоке. 2006. № 1. С. 108–110.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги “Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 795-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2017 й., 09/17/795/0080; 18.12.2018 й., 09/18/1025/2338-сон; 13.12.2019 й., 10/19/3202/4154-сон)

Ш БОБ. МОЛИЯВИЙ ВА КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА АСОСИЙ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

3.1. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича сўроқ

қилишнинг тактик хусусиятлари

Сўроқ қилиш энг кўп тарқалган тергов ҳаракатларидан бири бўлиб, у гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчидан кўрсатувлар олиш мақсадида амалга оширилади. Қонун талабига кўра, терговчи сўроқ қилинувчидан кўрсатув олиш орқали маълумот тўплайди. Маълумки, сўроқ вақтида олинган маълумотлар жиноят иши бўйича далил манбаининг бир кўриниши бўлиб ҳисобланади, тўпланган ахборотлар эса иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш учун хизмат қилади.

Сўроқ қилиш тушунчаси бўйича муаллифларнинг кўйидаги фикрлари талқин қилинган: «Сўроқ-терговчи билан жиноий воқеа ҳақида маълумот берувчи шахс ўртасидаги ўзаро мулоқотдир»¹.

Ю.Рахимов ўзининг докторлик диссертациясида «Процессуал-криминалистик нуқтаи назардан сўроқ қилиш-қонун томонидан белгиланган нормаларга оғишмай қатъий амал қилган ҳолда тергов қилинаётган жиноят, унинг ҳолатлари, иштрокчилари ҳамда иш учун аҳамиятли бошқа ҳолатлар юзасидан сўроқ қилинувчидан маълумотлар олиш демакдир, деб таъкидлайди»².

Назарияда айрим муаллифлар коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда ҳужжатли текширишларга қаратилган тергов ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этиб, сўроқ қилишнинг далилий аҳамияти катта эмас, деган фикрлар билдиришади. Бошқа муаллифлар эса, далиллар назариясига кўра ҳар бир далил бир хил юридик кучга эга бўлганлиги учун уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш мумкин эмас, деган ҳақли фикрни билдиради³.

¹ Абдумажидов Ғ.А. вабошқалар. «Криминалистика». Дарслик-Т.: б «Адолат», 2003. 299-б.

² Рахимов Ю. «Жиноят процессуал кодекси асосида сўроқ қилиш ва кўрсатувларга баҳо беришнинг процессуал-психологик муаммолари» докторлик диссертацияси, 2002, Фарғона. 50-б.

³ Қаранг: Тактические особенности допроса участников уголовного судопроизводства // <https://jurisprudence.club/ugolovno-protsessualnoe-uchebnik/takticheskie-osobennosti-doprosa-uchastnikov-66885.html>

Аслида сўроқ қилиш ҳам бошқа далил тўплаш усуллари хусусан, хужжатлар устида ўтказиладиган тергов ҳаракатларидек аҳамият касб этади. Ундаги бўшлиқларни тўлдиради, ноаниқликларга ойдинлик киритади. Тергов ҳаракатларини бирини иккинчисидан устун қўйиш ноўрин.

Жиноят–процессуал қонунчилигининг нормалари сўроқ қилиш тергов ҳаракати икки қисмдан иборатлиги хусусида фикр чиқаришга асос бўлади. Бирок, криминалистик нуқтаи назаридан сўроқ қилиш 3та мустақил ташкилий босқичлардан иборат. 1) Сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш; 2) Сўроқ қилиш процесси; 3) Сўроқ қилиш баённомасини тузиш.

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича сўроқ қилишнинг мазкур босқичларида амалга ошириладиган ишлар ва эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар бисёр. Коррупцияга оид ва моливий жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича сўроқ қилиш тактикаси жиноят ишида айбланувчи ва бошқа иштирокчиларнинг мансабдорлар ёки ўқимишли инсонлар тоифасидан эканлигидан келиб чиқади. Биргина гувоҳни сўроқ қилишни ташкиллаштиришда уларни қатор гуруҳларга ажратиб олиш лозим бўлади.

Жиноят содир қилган шахслар ва гувоҳлар манфаатларининг уйғунлигига кўра, уларни бўлиш мумкин:

1. Айбланувчи билан бир муассасада ишлайдиган гувоҳлар. Ўз вақтида улар ҳам иккига бўлинади (айбланувчига лавозим жиҳатдан бўйсунадиган ва бўйсунмайдиган гувоҳлар).

2. Меҳнат фаолияти юзасидан айбнувчига алоқасиз, лекин бошқа жиҳатдан боғликлиги бўлган гувоҳлар.

3. Айбланувчидан мустақил гувоҳлар.

Терговчи бу ҳолатни сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш босқичининг ўзида ҳал қилиб, шунга муносиб тактикани танлаши керак.

Айбланувчи билан бир муассасада ишлайдиган ва айбланувчига лавозим жиҳатдан бўйсунадиган гувоҳлар терговчига “қўлини тутқизгиси

келмайди”. Кўп ҳолларда улар гувоҳ сифатида кўрсатув бера туриб, эртага ўзлари айбланувчи бўлишдан каттиқ кўрқишади. Улардан ишончли маълумотни олиш амри маҳол, лекин барибир сўроқ қилиш лозим. Уларни сўроқ қилиш жойи терговчининг хонаси бўлиши керак. Чунки, у ишхонанинг психологик таъсир майдонидан четга чиқиши лозим. Бундай гувоҳларни икки ҳолат қийнашини терговчи ёдида тутиши лозим: кўрсатув бериш масъулияти ва ишхонадаги осойишталигига путур етказмасликка бўлган хоҳиши. Шунинг учун сўроқда “биламан андиша қиласиз”, “бирга ишлашингизни, ҳурмат қилишингизни биламан” мазмунидаги ибораларни қўллаши лозим. Бундай гувоҳларга саволлар аниқ ва предметли бўлиши керак. Чунки бундай гувоҳ чақиртирилган вақтдан бошлаб, савол-жавоблар версияларини миясида шакллантириб келган бўлади.

Агар уларнинг обрўйи, ҳаёти, мансаби хавф остида бўлса, терговчи уларнинг ҳафвсизлигини қонун доирасида таъминлаш чораларини кўриши керак. Бундай шахслар кўрсатув бермасликка ҳам ҳаракат қилишади. Ушбу вазиятда икки тактикани қўлласа бўлади:

1. Гувоҳга кўрсатув беришга ундайдиган олинган ашёвий далилларни кўрсатиш ва жинойий жавобгарлик хусусида огоҳлантириш.

2. Кўрсатувларни ҳаммасини баённомага борица ёзиб, айтишни хоҳламаётган қўшимча маълумотларни сўрамаслик. Бироқ унга тергов ҳолатлари хусусида “сир бой бермаслик” лозим. Бундай маълумотларни олишни кейинга қолдириш керак.

Айбланувчи билан бир муассасада ишлайдиган гувоҳлар, бироқ лавозим жиҳатидан бўйсунадиган ва бўйсунмайдиган гувоҳлар. Уларни сўроқ қилишни кечиктириб бўлмайди, акс ҳолда, уларга кўрсатувларини олдиндан режалаштириш ва мослаштириш хусусида келишувлар таклиф қилинади. Буларни сўроқ қилиш тактикаси инсофли гувоҳларни сўроқ қилишга ўхшаб кетади.

Меҳнат фаолияти юзасидан айбланувчига алоқасиз, лекин бошқа жиҳатдан боғлиқлиги бўлган гувоҳларни сўроқ қилишда терговчи уларни

сўроқ қилишдан олдин улар билан психологик алоқа ўрнатиши керак ва уларга тергов қилинаётган иш бўйича жавобгарларни топиш муҳим вазифалигини тушунтириши керак. “Биласизми, жиноятни ким қилганлиги маълум эмас, бироқ улар иқтисодни ишдан чиқаряпти” мазмунидаги фикрларни оғзаки тарзда баён қилиш керак. Уларга қонун ҳамма учун баробарлигини, ёлғон гувоҳлик жавобгарликка сабаб бўлишини суҳбат охирида тушунтирилиши лозим.

Айблунувчидан мустақил гувоҳларни сўроқ қилиш терговчи учун нисбатан осон, уларни тез сўроқ қилиш ва холи эканлигини таъкидлаш мумкин. Айбланувчидан мустақил гувоҳларни сўроқ қилишда ҳам бошқалар қатори, унинг айбланувчи билан алоқасига ойдинлик киритиш керак. Балки, келишмовчиликдан ёки симпатиясидан терговни чалғитадиган маълумотлар тақдим қилиши мумкин.

Жабрланувчини сўроқ қилиш тактикаси икки мустақил ҳолатдан келиб чиқади. Булар: 1) жиноятдан зиён кўрган шахслар ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган ҳоллар ва 2) даставвал, гувоҳ мақомида бўлиб, жабрланувчи сифатида сўроқ қилинган ҳолатлар.

Коррупцияга оид ва молиявий жиноятлар кўп ҳолларда жабрланувчининг аризаси билан эмас, текширув натижалари ва тезкор-қидирув маълумотларини текшириш асносида кўзгатилади. Бундай жиноятларда кўп ҳолларда жабрланувчи- жиноят тўғрисида ариза берган шахс эмас, балки жиноят ишини юритиш давомида зиён кўрганлик ҳолати бўйича маълумотлар олиш мақсадида таклиф қилинган шахслар бўлади.

Жабрланувчиларни сўроқ қилиш схемаси коррупцияга оид ва молиявий жиноятни содир этилганлик ҳолати – жабрланувчининг кўрган зиёни – зиён ва жиноят ўртасидаги сабабий боғлиқликлар хусусида бўлиши керак.

Бу тоифадаги жиноятларда одатда жабрланувчилар жиноят иши ҳолатларига ойдинлик киритиш, ундаги “оқ доғлар”ни тозалаш, бошқа шахсларнинг кўрсатувларидаги ноаниқликларни бартараф этишга ёрдам

беради. Одатда, жабрланувчининг кўрсатувларидан иш учун аҳамиятли янги ҳолатлар аниқланади ва булар унга суроқ қилинганларнинг важларини инкор қилиши ёки тасдиқлаши ҳам мумкин. Шунинг учун кўп ҳолларда жабрланувчиларни айбланувчи ва бошқа шахслар билан юзлаштириш лозим бўлади.

Гувоҳлар ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш тактикасида уларни гуруҳлар ва турларга бўлиб тергов қилишни таклиф қилдик. Бироқ терговчи ҳолатдан келиб чиқиб, ўзига хос тактикасини олиб бориши мумкин. Агарда шу тактикага риоя қилса, криминалистиканинг назарий манбаларида билдирилган устувор фикрларга риоя қилган бўлади.

Айбланувчи ва гумон қилинувчини сўроқ қилиш тактикаси. Шахсга унинг айбланувчи (гумон қилинувчи) тариқасида жалб қилиш тўғрисидаги қарор ўқиб эшиттирилганидан сўнг сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш тақазо этилади. Айбланувчини ва гумон қилинувчини сўроқ қилиш ўз навбатида, далилларни тўплаш усулларида бири ҳисоблансада, уларни сўроқ қилиш унга нимада айбланаётганлигини ёки гумон қилинаётганлиги маълум қилинганлигини тасдиқловчи ишночли ҳолат бўлиб ҳам хизмат қилади.

Процесснинг кейинги босқичларида айбловнинг эълон қилинган - қилинмаганлигини исбот қилиш зарурияти вужудга келганида, таништирилганлиги ҳақида айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисидаги қарорга киритилган ёзув ва айбланувчининг имзоси билан бир қаторда, сўроқ қилиш баённомасидан фойдаланиш мумкин. Чунки, унда айбланувчининг ва гумон қилинувчининг ўй-фикрларига, лексикомига хос бўлган белгилар, айнанликни аниқлаш учун хизмат қиладиган хусни хати ва бошқа кўплаб муаммоларни ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган маълумотлар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, айбланувчининг айблов ва гумон қилинувчининг гумон юзасидан муносабатини зудлик билан расмий қайд этиш ҳимоя ҳуқуқини таъминлашнинг бир кўринишидир.

Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш биринчи галда унинг

манфаатларига хизмат қилади. Терговчининг айблов ҳаракатларига эътирозлар, важлар билдириш ва муайян маълумотлар келтириш билан айбланувчи ўзини ҳимоя қилади. Айбсизлигини исбот қилиши уларнинг мажбурияти ҳисобланмасада, улар ўзининг айбсиз эканлигини ёки айбловнинг ўзгачароқ бўлиши хусусида фикрини сўроқ қилиш тергов ҳаракати жараёнида расман маълум қилиши мумкин.

Коррупцияга оид ва моливий жиноятлар бўйича айбланувчи ва гумон қилинувчини сўроқ қилишга тайёргарлик кўришда терговчи қуйидаги ишларни амалга ошириши лозим:

- жиноят ишининг барча материаллари, хусусан тергов ҳаракатларида олинган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар билан танишиши;

- тезкор-кидирув тадбири натижалари билан танишиш;

- айбланувчининг фаолияти, у ишлаётган муассаса фолиятини текшириш ҳужжатлари билан танишиш;

- айбланувчи фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар ва корпоратив ҳужжатлар билан танишиш;

- коррупцияга оид ва моливий жиноятларни содир қилган шахснинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш бўйича Жиноят кодекси нормаларини ўқиб олиши;

- гумон қилинувчи ва айбланувчининг шахсини тавсифловчи маълумотларни ўқиб чиқиши. Ушбу ишларни амалга ошириш учун мутахассис ва бошқа шахслар билан маслаҳатлашув амалга ошириши ҳам фойдадан холи эмас. Булар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаслик сўроқ қилишнинг самарасиз ва предметсиз амалга оширилишига олиб келади. Қайта сўроқ қилиш ортиқча вақт, энергия ресурси харажатига сабаб бўлади, ҳаттоки, гумон қинувчи ёки айбланувчига муълумотларни пухта сохталаштириш режасини амалга оширишга ҳам имкон беради.

Терговчини алдашга бўлган уринишларнинг биринчи ва иккинчи маротабасида терговчининг уларга ишонмаслиги ва ҳақиқий ҳолат хусусида ҳамма нарсани билгандай тутиши, мимика ва жестларининг бу

ҳолатни тасдиқлаши сўроқ қилинаётган шахснинг тўғри маълумотлар тақдим этишига ижобий таъсир этади.

Гумон қилинувчи ва айбланувчи биринчи мартаба сўроқ қилинишида қўйидаги йўллардан бирини танлайди: 1) ҳаққоний кўрсатма бериш; 2) ҳолат тўғрисида ёлғон ва бошқаларга айбни тўнкашдан иборат бўлган ўз тўқима версиясини тақдим қилиш; 3) ўз ҳаракатларини оқлаш ёки айбини енгиллаштириш учун қонун нормаларини ўзига хос талқинига урғу бериш; 4) кўрсатма бермасдан сукут сақлаш.

Сўроқ қилишда иш учун аҳамиятли ҳамма ҳолатларга аниқлик киритиш лозим. Битта сўроқ қилиш ҳаракатида бунинг имкон бўлмайди. Шунинг учун биринчи сўроқда гумон қилинувчи ёки айбланувчидан жиноий эпизодларга иқрорлик ҳақидаги маълумотларни олиш ва асосий ҳолатлар хусусида савол жавоб қилиш лозим. Ҳар бир жиноий эпизодга батафсил тўхталишни кейинги сўроқ қилиш ҳаракатларига қолдириш мақсадга мувофиқ. Биринчи сўроқ қилишда олдин айтганимиздек, терговчи ҳамма ҳолатларни, “ҳарфигача” баённомага киритиш йўлини тутиши керак.

Терговчи гумон қилинувчи ва айланувчини сўроқ қилишда уларни иш юзасидан имкон қадар кўпроқ гапиртириши муҳимдир. Агар улар сукут сақлаган тақдирда нима сабабдан кўрсатув бермаслигини оғзаки тушунтиришини талаб қилиши лозим. Уни баённомага эмас, ўзининг ён дафтарчасига ёзиб қўйиши лозим.

Кўрсатув беришдан бош тортган вазиятда психологик алоқани ўрнатишга уриниш учун у билан суҳбат қилиш керак, ундаги оқловчи далиллар ҳам унга ёрдам бериши мумкинлиги хусусида кенг имкониятга эгаллигини билдириш лозим. Зинҳор тергов анъаналари асосида унга ёқмайдиган жавоб бермаслик керак. Масалан, шунақа ҳолат юз берганда нима бўлади, деган саволни берса, амалиётда тажрибасидан келиб чиқиб, биринчи галда терговда айбланувчиларнинг “ютиб чиққанлиги” ва айрим вазиятларда жавобгарликка тортилганлиги хусусида тушунтириш лозим.

Агар биз унга фақат “ютиб чиққанлиги” ҳақида гапирсак, охирида жавобгарликка тортилса, “терговчи мени алдади”, деган салбий фикрга боради ва буни ҳеч қанақасига ўзгартириб бўлмайди, битта шахснинг тергов органларига нисбатан антипатияси вужудга келади.

Айбланувчи (гумон қилинувчи)ни кейинги сўроқ қилиш ҳаракатларида терговчи унинг ёлғон гапираётганлигини шу заҳоти фош эта олса, натижа юқори бўлади. Бунинг учун терговчи айбланувчини сўроқ қилишдан олдин, у таъкидлаётган ҳолатлар хусусида фикрга эга бўлиши лозим. Бунинг учун бошқа гувоҳларни сўроқ қилган, экспертиза хулосаси билан танишган, ҳужжатларни ўқиб чиққан бўлиши керак.

Айбланувчига сўроқ қилиш давомида далилларни кўрсатиш қонунда белгиланмаган. Агар сўроқ қилиш давомида шундай далилларнинг ҳаммасини эмас, айримларини тақдим қилиш, айбланувчини рост кўрсатув беришга ундаса, уларнинг айримларини тақдим қилиш тавсия қилинади¹.

Агар айбланувчи ёлғон кўрсатув беришда давом этса, терговчи ўрганиладиган ҳолатларни янада батафсил, майдалаштириб сўраши лозим. Бу ёлғон маълумотларни ўзаро бирлаштиришда айбланувчи хатоликка йўл кўйиб, уни рост гапиришга ундайди. Ҳатто, бу мақсадда қайта сўроқ қилиши ҳам мумкин. Агар вақт етарлича бўлса, терзор-қидирув органларига айбланувчининг важларини текшириш мақсадида топшириқлар бериш мумкин бўлади².

Агар айбланувчи рост кўрсатув бериб, ўз ҳаракатларини қонун ҳужжатларини талқин қилиб оқлашга урунса, бу терговчи учун яхши ҳолат. Ҳар ҳолда, рост кўрсатув беряпти. Қолаверса, амалиётда айбланувчиларнинг бу ҳолатлари айрим айбловларни чиқариб ташлашга, бошқа шахсларни ҳам жавобгарликка тортишга, хуллас жиноят ишини пухта бўлишига олиб келади. Бундай шахсларни тергов жараёнини тўлиқ ёзиб олиб, терговчи уни зарурат бўлса, мутахассис билан маслаҳатлашиб

¹ Ушаков О.М. Теоретические и практические проблемы тактики допроса лица, склонного к даче ложных показаний : автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Владивосток, 2004. С. 19.

² Андреев А.С. Ложное алиби и криминалистические методы его разоблачения : дис. ... канд. юрид. наук. Ростов н/Д, 2001. С. 117.

ёки бошқа далиллар билан қиёслаб, қайта таҳлил қилиши лозим. Айбланувчи тўғри (рост) кўрсатув берган вазиятларда терговчи ҳамма аҳамиятли ҳолатлар хусусида сўраши лозим. У ишга алоқаси бўлмаган ҳолатлар хусусида баён қилишда давом этса уни тўхтатиш мумкин. Бу ерда бошқача ҳолат кузатилади. Айбланувчи ва гумон қилинувчилар терговчини ишонтиришга уриниши беҳуда кетишини сезиб, уларнинг кўрсатув беришда масъулиятлари пасаяди.

Шу ўринда маълумот сифатида айтадиган бўлсак, Англо-саксон ҳуқуқида жиноят иши юзасидан маълумотларга эга барча шахслар гувоҳ бўлиши мумкин бўлган ва гувоҳ бўлиши шарт бўлган шахсларга бўлинади. Ҳаттоки, жиноий жавобгарликка жалб қилинган шахс ҳам гувоҳ бўлишининг барча юридик оқибатлари (“ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни сўзлайман” мажбуриятини олиш) билан бирга, гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин. Англо-саксон ҳуқуқида иш судда кўрилаётганида айб эълон қилинган ёки шахс айбланувчи мақомида бўлганида гувоҳ сифатида сўроқ қилинишига йўл қўйилиши мумкин. Англо-саксон ҳуқуқида жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг гувоҳ сифатида сўроқ қилинишининг муҳим шарти айбланувчи томонидан айнан шу хусусида илтимос қилинганлиги ҳисобланади. Адабиётларда айбланувчининг ўзини гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши тўғрисида илтимос қилмаса, унга қарши презумпцияларнинг (тахминларнинг) шаклланишига сабаб бўлмаслиги таъкидланади¹. Бу ҳолатни исбот қилишда айбланувчининг фаол иштирокини таъминлаш учун аҳамияти юқоридир.

3.2. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда моддий изларни топишга қаратилган тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни содир этилиш механизми ва уларни тергов қилиш амалиёти бундай жиноятларни тергов қилишда

¹ Irving Anolik, Osmond K. Fraenkel, George H. Gaffney, and Fred E. Inbau etc., Forum on the Interrogation of the Accused, 49 Cornell L. Rev. P 405 // scholarship.law.cornell.edu/clr

моддий изларни топишга қаратилган тергов ҳаракатларига: кўздан кечириш, тинтув ва олиб қўйиш кириши мумкинлигини кўрсатди.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати терговга қадар текшириш босқичида ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида ҳам ўтказилиши мумкинлиги унинг бирламчи ўзига хослигидир. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишнинг дастлабки босқичи бирламчи тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув чора-тадбирларини амалга оширишни талаб қилади. Кўздан кечириш тергов ҳаракати молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда кечиктириб бўлмаслик хусусиятига эга бўлади.

Тадқиқ этилаётган жиноят юзасидан ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечириш умумий ва хусусий хусусиятлари билан тавсифланади. Яъни, ушбу жиноят ҳам кўздан кечиришнинг энг умумий қонуниятларига асосланади. Таъкидлаш лозимки, қоида тариқасида, ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечириш икки ҳолатда амалга оширилади. Биринчи ҳолатда содир этилган жиноятдан қолган изларни ва бошқа ашёвий далилларни топиш, жиноятнинг содир этилиш ҳолати ва иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг амалда қандай юз берганлигини аниқлаш зарурати бўлганда воқеа жойи кўздан кечирилади. Иккинчи ҳолатда кўздан кечириш жиноят деб тахмин қилинган воқеа юзасидан ҳақиқатдан нима бўлганлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Масалан, ҳужжатларни сохталаштириш курулмалари мавжудми ёки мавжуд эмасми ҳолатларини аниқлаш учун.

Кўздан кечиришнинг объектига нисбатан турлари кўп бўлиб, молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда кўпроқ ҳужжатларни кўздан кечириш ўтказилади.

Бироқ, ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳам ўтказилиши мумкинки, бундай кўздан кечириш чора-тадбирлари ҳодиса ҳақида хабар келиб тушганидан кейин воқеа жойига чиқишга доимий тайёр туриш ва бевосита воқеа жойида амалга ошириладиган тайёргарлик ҳаракатларини қамраб

олади¹.

Ушбу масалада терговчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- воқеа тўғрисидаги хабарни олгач, у каерда рўй берганлигини аниқлаш ва воқеа жойидаги ҳолатни асл ҳолича қўриқлаш чораларини кўриш;

-қўриқлаш учун ички ишлар орган ходимлари ва айрим ҳолларда харбийлар (Миллий гвардия) жалб қилиниши мумкин;

- қўриқлашни ташкиллаштираётган шахсларга гувоҳларни аниқлаш тўғрисида огоҳлантириш (сабаби уларнинг фикрлари ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечириш учун муҳим аҳамият касб этади);

- корхоналарда мол-мулкни талаш ва йирик ўғирликлар фактлари бўйича шубҳали шахсларни ушлаш ва воқеанинг салбий оқибатларини бартараф қилиш чоралари кўрилганлигини аниқлаш;

- ушбу ҳудудда тезкор вазиятни аниқлаш ва жойга чиқишга тайёргарлик кўриш; воқеа жойига чиқишдан олдин тергов чемаданини, фотоаппаратни, видеоаппаратни ва кўздан кечириш жараёнида зарурат туғиладиган бошқа воситаларнинг тўлиқ жиҳозланганлигини текшириш; мутахассис ва холисларни таклиф этиш.

Воқеа жойига келгандан сўнг терговчи кўздан кечиришни бошлашдан олдин ҳодиса оқибатларини бартараф қилиш чоралари кўрилганлигига, жиноят-қидирув ходимлари, кинолог хизмати ити ва бу жойни яхши билладиган шахслар ёрдамида ҳужжатлар йўқ қилинишини олдини олиш чораларини кўради, сейфларни мажбуран очади, компютердаги файлларни йўқолиши, баъзи анжомларни(хард, флеш хотира ва ҳ.к)яширишни олдини олиш, воқеа жойини барча бегона шахслардан тозалаш, шоҳидлар ва бошқа шахслардан тушунтиришлар олинганлига ишонч ҳосил қилиши лозим. Моливий ва коррупцияга оид

¹ Криминалистическая методика расследования преступлений: Учебное пособие / Коллектив авторов: Шакуров Р.Р., Джуманов Ш.Т., Тоштемиров Н., Тураева Д.Р., Алланазаров О.Д. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2013. – С. 19.

жиноятларни тергов қилишда ҳодиса жойини кўздан кечиришга ўтишдан олдин жиноятнинг яққол излари мавжудлигига ишонч ҳосил қилиб, амалга ошириш муҳим. Чунки бу тофидаги жиноятлар зўрлик билан содир этиладиган жиноятлардан кескин фарқ қилади ва ҳамма вақт ҳам излар топилмаслиги мумкин. Излар топилмасдан амалга оширилган ҳодиса жойини кўздан кечириш терговнинг натижадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Терговчи кўздан кечириладиган ҳудудни ёки хонани чегараларини белгилаб беради, бундан ташқари шоҳидлардан воқеа жойида нима ўзгартиришлар бўлганлигини аниқлайди ва ички ишлар идоралари ходимларига жиноятни очиш учун тезкор-қидирув ишларини амалга ошириш учун йўналиш беради.

Ҳодиса содир этилган жойини кўздан кечириш жараёнини икки босқичга бўлиш мумкин. Булар бошланғич (умумий кўздан кечириш) ва батафсил кўздан кечириш босқичларидир¹.

Умумий кўздан кечириш терговчи воқеа жойи ҳолатларини яъни муайян объектларни бор-йўқлигини, бир-бирига нисбатан жойлашувларини умумий тарзда ўрганади, қайд қилади ва таҳлил қилади. Бу босқичда терговчи қандай ҳодиса содир бўлганлигини ва жиноятдан қанақа оқибатлар рўй берганлигини аниқлайди, воқеа жойи чегараларини белгилайди. Кўздан кечириладиган ҳудуд сифатида воқеа жойини белгилашда албатта, бир қарашда жиноят излари бордек туюлган ҳудуддан каттароқ ҳудуд қамраб олинади. Акс ҳолда муҳофаза қилинмаган ҳудудда қолиб кетган жиноят излари атайин ёки эҳтиётсизликдан йўқотилиши мумкин.

Кейин терговчи ҳодисанинг дастлабки (бирламчи) кўринишини қайд қилади (йўналтирувчи, кузатувчи ва ҳодиса жойини қисмларга бўлинган ҳолда олинган фотосуратлар ёрдамида); режа ёки схема тузиш учун ўлчов ишларни амалга оширади; излар ва предметларнинг сақлаш чораларини

¹ Прокопенко Б.Л. Особенности расследования убийств, совершенных осужденными в местах лишения свободы: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Воронеж: ВГУ, 2009. – С. 11.

кўради; воқеа ва унга алоқадор шахслар тўғрисида тусмолларни илгари суради ва уларни текширади.

Бу босқичда терговчи ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечириш усулини танлайди. Ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечиришда ҳар хил усуллар аралаш ҳолатда қўлланилиши мумкин. Синчиклаб кўздан кечиришда унинг иштирокчиларини эътиборидан ҳеч қандай тавфсилот, ҳеч қандай предмет ёки из четда қолиб кетмаслигига ишонч ҳосил қилинади. Ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечириш жараёнида терговчи имкон қадар нима, қачон ва қаерда содир бўлган, ким ва нима учун буни содир қилган, қандай тарзда ва кимнинг ёрдамида содир қилинган каби муҳим саволларга жавоб топиши лозим.

Батафсил кўздан кечириш умумий ҳолатни ўрганиш тугагандан кейин терговчи ҳар бир предмет ва изни алоҳида таҳлил қилишни бошлайди. Нафақат аниқ бўлган, балки, оддий кўзга кўринмайдиган изларни ҳам аниқлайди. Бу жараёнда батафсил фотосурат, видео тасвирга олиш ёрдамида воқеа жойи шароити тафсилотлари сақлаб қолинади.

Воқеа жойи батафсил кўздан кечирилганда айбдорни излаш керак бўлган муайян шахслар доирасини аниқлаш мумкин бўлади. Ушбу белгилар қаторига: а) жиноят жойига ҳаракатланиш йўналиши; б) тўсиқларнинг заиф тарафини билиши (жумладан, деворнинг энг заиф қисмини бузиб кириши); в) жабрланувчининг ҳаёт тарзи ва одатларини билиш (хусусан, жиноятчи жабрланувчи ҳар куни ишдан қайтиш йўлини ўрганган бўлиши мумкин); г) жабрланувчи билан жиноятчининг яқин таниш бўлганлиги (масалан, жабрланувчи хонасининг ичкаридан очилганлиги ёки кафедра жабрланувчи билан бирга ўтирган шерикларидан бири жиноятни содир этганлиги шундай тахмин қилишга асос бўлади); д) айбдорнинг ҳар хил техник воситалари ёрдамида жиноят содир этганлиги (мисол учун, электр-газ сварка техникасидан фойдалана олиши, жабрланувчининг танасида из қолдирмаслик мақсадида устамонлик билан бўлакларга ажратганлиги).

Яқунловчи босқичда кўздан кечириш якуни ва унинг натижалари қайд қилинади. Кўздан кечириш натижаларини қайд қилиш авваламбор, кўздан кечириш вақтида топилган барча нарсаларни хужжатли кўринишда баённомада акс эттиришдан, кўздан кечириш объектларининг умумий кўринишини уларнинг хусусиятлари, ҳолатини ва белгиларини, техник ва техник-криминалистик усуллар ва воситаларни тасвирлашдан иборат бўлади. Кўздан кечириш натижаларини қайд этишда фото ва видео суратга олиш, моделлаштириш, режа, схема ва чизмалар тузиш каби усуллардан ҳам кенг фойдаланиш тавсия этилади¹.

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришда асосан хужжатлар, хусусан норасмий хужжатларни топишга ҳаракат қаратилиши керак.

Терговчи Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришдан кейинги комплекс ҳаракатларни амалга оширишни прогнозлаштириши лозим. Улар:

- аниқланган хужжатларни олиш;
- хонадонлар ва иш кабинетларни тинтув қилиш;
- товар -моддий қимматликлар ва пул воситларини инвентаризациядан ўтказиш;
- молия –хужалик фаолиятига тафтиш тайинлаш;
- Корхона штат бирлиги, банк –молия операциялари хусусидаги маълумотлар ва қабул қилинган қарорларни талаб қилиб олиш;
- компьютер, ЭҲМ ва бошқа маълумот ташувчи ускуналарнинг йўқолиши, унинг ичидан маълумотларни ўчирилиши олдини олиш чораларини кўриш.

Хужжатларни кўздан кечиришда уларнинг жиноят ишига алоқаси бор ёки йўқлиги кўра ажратиб олиш керак. Сабаби ҳодиса жойини кўздан кечириш, тинтув ёки бошқа тергов ҳаракати натижасида кўплаб хужжатлар қўлга киритилади. Уларни ҳаммасини кўздан кечириш

¹ Баканова Л.П., Пулатов Ю.С. Криминалистик объектларни процессуал хужжатларда тасвирлаш: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2004. – Б. 34.

терговчидан ортикча вақт сарфини талаб қилади.

Ишга алоқадор ҳужжатларни кўздан кечиришда баённомага уларнинг асосий реквизитлари: қабул қилинган жой ва санаси, ким томонидан чиқарилганлиги ёки тузилганлиги, ҳажми ва асосий мазмуни кўрсатилади. Хусусан унинг жиноятга қандай алоқаси борлигини кўрсатувчи маълумотларга урғу бериш керак. Мисол учун ундаги сохталаштириш ҳоллари, рақамларда ифодаланган маълумотлар ва ҳ.к.

Агар ҳужжат ашёвий хусусияти учун аҳамиятли бўлса, яъни унда сохталаштириш ҳолатини текшириш керак бўлса, экспертиза тайинланади.

Тинтув. Суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор, деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишга ҳақлилиги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 158-моддасида ўз аксини топган.

Бир қарашда ҳодиса жойини кўздан кечириш ва тинтувнинг ташқи кўриниши ниҳоятда ўхшаш. Бироқ улар ўтказилиши асоси ва вазиятдан фарқланади. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда кўздан кечириш офислар ва ишлаб чиқариш цехларида ўтказилса, тинтув корхона раҳбарларининг уйларида, уларга шахсий тегишли бўлган бошқа биноларда, автотранспорт воситаларида ўтказилади.

Қолаверса, тинтувда қайси объектда ўтазилишидан қатъи назар аниқ предметларни топишга ҳаракат қилинади, гарчанд объектнинг аниқ сақланаётган жойини билиш талаб қилинмасада. Процессуал расмийлаштиришда ҳам тинтув ўтказишдан аввал, одатда, у ҳақида қарор қабул қилинади. Кўздан кечиришда мулк ҳуқуқига даҳл қилишини мумкин бўлган вазиятлардагина қарор чиқарилиши мумкин (ЖПК 139-моддасининг иккинчи қисми).

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар содир этилиши мураккаб ва уни содир этган шахсларнинг таъсир доираси катта бўлганлиги учун тинтув мавжуд объектларда бир вақтнинг ўзида тергов гуруҳида

Ўтказилиши тавсия қилинади. Бир неча гумон қилинувчи ва айбланувчиларга тегишли объектлар ёки иш учун аҳамиятли далиллар яширинган ёхуд мавжуд бўлган бошқа объектлар бўлиши мумкин. Бунга эришиш учун молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича тинтув ўтказишдан олдин қаерларда ўтказилиши пухта режалаштирилиб олинishi керак. Акс ҳолда биринчи тинтув ижобий бўлсада, қолган объектлардан иш учун аҳамиятли нарсаларни кўчириш, яна пухтароқ тарзда яшириш натижасида кейинги тинтувларнинг самарадорлиги пасайиб кетиши мумкин.

Офисларда ва хизмат хоналарида тинтув ўтказилаётган вақтда тергов қилинаётган ишга алоқаси бўлган ҳар қандай ҳужжат олинishi лозим. Бундай вазиятларда тинтув ўтказилаётган пайтда молиявий ва коррупцияга оид жиноятни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахснинг ўзи ҳам иштирок этиши мақсадга мувофив. Бу бир томондан, ҳолисликни таъминласа, иккинчи томонидан нималарни олиш хусусида йўналтирувчи маълумотлар бериб туради.

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича тинтувнинг яхши томонларидан бири - гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахснинг янги жиноятларини топишга хизмат қилади. Масалан ундан йирик ҳажмдаги пул белгиларининг ёки наркотик моддаларнинг ёхуд кўролнинг топилиши, шунингдек, терговчига маълум бўлмаган жиноятга алоқадор бошқа шахслар ҳақидаги маълумотларнинг чиқиши ва ва ҳ.к.

Олиб қўйиш. Олиб қўйиш – жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги маълум бўлиб, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаган ҳолларда суриштирувчи, терговчи ва суд томонидан қўлланадиган чора ҳисобланади.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш жараёнида бу ҳаракатлар уyiда ўтказилаётган шахснинг ўзи ёки ҳеч бўлмаганда унинг вояга етган оила аъзоларидан бирининг иштирок этиши таъминланиши лозим. Башарти уларнинг иштирок этишини таъминлашга имкон бўлмаса, тегишли

хокимлик ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг вакили таклиф қилинади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар жойлашган биноларда олиб қўйиш ёки тинтув уларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади.

Тинтув қилинаётганларга, холисларга, мутахассисларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмларнинг вакилларига тинтув ёки олиб қўйиш ўтказилишидан аввал, уларнинг суриштирувчи ёки терговчининг барча ҳаракатлари чоғида ҳозир бўлиш ҳамда ана шу ҳаракатлар хусусида арз қилиш ҳуқуқлари тушунтирилиши керак. Бундай арз баённомага киритилиши шарт.

Тинтув ва олиб қўйишнинг асосий иштирокчилари суриштирувчи ва терговчи ҳисобланади. Бу ҳаракатларни зарур ҳолларда ўз ваколатлари доирасида тергов бўлими бошлиғи (37-модданинг 2-қисми) ҳамда прокурорлар (382-модданинг 3-қисми) ўтказиши мумкин. Бу ҳаракатларни ўтказишда терговчига жинойт қидирув бўлими ходими, участка вакили ва милиционерлар, зарур бўлганда эксперт ва мутахассислар ёрдам берадилар, топилган объектларнинг йўқолмаслигини таъминлайдилар, уларнинг қайтадан яшириб қўйилиши ва йўқолиб қолишининг олдини оладилар.

Олиб қўйиш ва тинтувда қўшимча равишда ташкилий ва техник ёрдам кўрсатишлари учун жамоат ёки давлат ташкилоти вакиллари жалб қилинишлари мумкин. Ташкилотлардан ишга тааллуқли ҳужжатлар олинаётганда бу ҳужжатлар учун жавобгар шахс моддий қимматбаҳо нарсалар олинаётганда эса моддий жавобгар шахснинг иштирок этиши шарт.¹

Тинтув ёки олиб қўйишни танлаш терговчининг қўлидаги маълумотларга боғлиқ. Бироқ ҳар қандай вазиятда тинтув ўтказишга таёр ҳолда борган мақсадга мувофиқ. Боиси маълумот аниқ бўлсада, олиб

¹ Руководство для следователей под редакцией докторов юридических наук Н.А.Селивановой и В.А.Снеткова – Москва: «Лига Разума», 1997. – с. 26.

қўйишга ихтиёрий киришилмаса, унда тинтув ўтказилади.

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда иш учун аҳамиятли маълумотларни олиб қўйиш ва тинтув қилишда давлат сирларини ташкил қиладиган маълумотларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Жиноят ишларини тергов қилишда ЖПКнинг 89-моддаси талабидан келиб чиқиб, давлат сирлари бўлган ҳужжатларни олиб қўйиш ва унга доир бошқа ҳаракатлар фақат прокурор санкцияси билан амалга оширилади. Бундай ҳужжатлар юзасидан тергов ҳаракатларини ўтказишдан олдин тегишли равишда прокурор нарса ва ҳужжатлар сақланадиган жой раҳбарлари билан тергов ҳаракатини ўтказиш вақти, жойи ва бошқа шартларни келишиб олади¹.

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда муаммоли масалалардан бири холислар иштирокидир. Холислар жамоатчилик назоратини ва тергов ҳаракатининг қонунийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, уларни жалб қилиш амалиёт ходимларини қийнайдиган масаладир. Сабаби, молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича тинтув, олиб қўйиш ва кўздан кечириш халқни эътиборини тортадиган, кўпинча машҳурлар, ҳеч бўлмаганда маҳаллий доирада кўпчиликка таниш инсонларнинг уйида, уларга тегишли биноларда ўтказилади. Ушбу тергов ҳаракатларида холисларни чақиртиришда улар томонидан тергов ҳаракати давомида кўрилган ҳолатларнинг ошкор этилмаслиги чораларини ҳам кўриш лозим бўлади. Бунинг олдини олиш учун биринчидан, холис сифатида катта ёшли, ҳаётий тажрибага эга инсонларни чақиртириш ва улар билан тушунтириш ишларини амалга ошириш керак.

Амалиётда айрим вазиятларда уй жойи, биноси ва автотранспорт воситаси кўздан кечириляётган ва тинтув қилинаётган шахслар ушбу тергов ҳаракатларида иштирок этаётган холисларни рад қилиш ҳолатлари кузатилади. Гарчанд уларга бундай ҳуқуқ жиноят-процессуал қонун

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир проф. Ғ. Абдумажидов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. - 173-б.

нормаларида назарда тутилмаган бўлсада. Авваломбор, бу қондани жиноят-процессуал кодексига киритиш хусусида таклиф қилиш лозим. Қолаверса, бундан вазиятларда агар, эътирозлари ҳақли бўлса, холисни алмаштириш чорасини кўрган маъқул. Сабаби, терговчилар нигоҳида холислар расман манфаатдор бўлмаган шахс туюлсада, бироқ уйда тергов ҳаракати ўтказилаётган шахснинг аввалдан шаклланиб келган муносабатлари холиснинг иштирок этмаслигини талаб қилиш ёки холиснинг аслида бетарафлигини шубҳа остига оладиган ҳолатлар мавжуд бўлиши мумкин.

Ҳозирги қонунчиликни ривожлантиришга қаратилган ислохотларда холислар иштироки борасида ижобий таклифлар илгари сурилмоқда. Айрим вазиятларда холисларнинг ўрнида техника воситаларини иштирок эттириш масаласи қонунчилик органларига кўриб чиқиш учун юборилмоқда ва халқ муҳокамасига қўйилган. Албатта, ушбу таклифларнинг ижобий тарафи суриштирувчи, терговчиларни ва соҳанинг бошқа ходимларини холис излаш ва уларнинг иштироки билан боғлиқ ортиқча асоссиз ташвишлардан халос этади.

3.3. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда махсус билимларга асосланадиган тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси

Жиноятчиликка қарши курашиш қонунчиликни ва тергов амалиётини таҳлил қилиш қуйидаги ҳолатларда махсус билимлардан фойдаланиб, жиноят ишлари тергов қилиниши хусусида хулоса чиқаришга имкон беради:

1) нарса ва ҳужжатларни топиш, олиш ва мустаҳкамлашда шунингдек, техник воситаларни қўллашда ҳамда тергов ҳаракатларини ўтказишда махсус характердаги масалаларни тушунтиришда кўмаклашиш учун;

2) хулоса бериш ва мутахассисни касбий соҳасига алоқадор масалалар

хақида сўроқ қилинш учун;

3) экспертиза ва тафтиш тайинлаш ҳамда эксперт ва тафтишни сўроқ қилишда

Жиноят ишларида махсус билимларнинг қўлланиши борасида турли хил ёндашув бўлиб, биз Ўзбекистон Республикасида шу соҳани чуқур таҳлил қилган ю.ф.д. И.Р.Астановнинг илмий ишларидаги позициясини қўллаб қувватлаб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг билими истисно қиладиган соҳаларга оид билимларни тушунамиз¹. Жиноят-процессуал кодекси 172-моддасида Иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлганда экспертиза тайинланади, деган қоида ҳам шундай ёндашув асослилигини тасдиқлайди.

ЖПКнинг 187¹-моддасида тафтиш “... бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш ҳамда таққослаб кўриш йўли билан олиш мумкин”лиги ва ушбу тергов ҳаракати ЖПКнинг 187³-моддасига тафтишчи сифатида иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг, давлат солиқ хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва ҳудудий молия органларининг мутахассислари томонидан амалга оширилиши, тафтишни тайинлаш ҳам махсус билимлар талаб қилинадиган тергов ҳаракати эканлигини англатади.

Бундан ташқари, тергов ҳаракатларида махсус билимлар талаб қилинадиган ҳолатлар бўлади. Бундай вазиятлардан эксперт (эгсгумацияда) ёки мутахассислар иштирок этади. Бундай вазиятларда ҳам ўтказиладиган тергов ҳаракатлари махсус билимлар талаб қилинадиган

¹ Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Автореф. юф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т., 2018. - 75 б.

тергов ҳаракатлари ҳисобланиши ҳақида назарий фикрлар мавжуд¹.

Терговчи ва иш бўйича юритувни амалга ошираётган бошқа шахслар ҳуқуқшунос мутахассис ҳисобланадилар ва бундай мураккаб масалаларни муайян соҳа билимлари эгаларининг ёрдамисиз ҳал эта олмайдилар. Хусусан, мулкни растрата қилиш ёки ўзлаштириш орқали талон тароҷ қилишда жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиб, тафтишчи томонидан тузилган тафтиш далолатномалари хизмат қилади. Бундай турдаги жиноят ишлари қўзғатилганидан сўнг мажбурий тарзда кўрсатиб ўтилган шахслар чақирилиб гувоҳ тариқасида сўроқ қилинадилар ва ишнинг муайян ҳолатлари аниқлаштириб олинади. Бундан ташқари дастлабки терговни амалга ошириш жараёнида терговчи махсус тавсифланадиган маълумотномаларни олиш учун турли муассасаларга мурожаат қилади.

Тергов ҳаракатларини ўтказишда махсус билимлардан фойдаланишнинг бир кўриниши *мутахассис иширокида* намоён бўлади.

Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишда мутахассисларнинг иштирокини таъминлаш қуйидаги ўзига хосликларга эга бўлади:

- мутахассиснинг шахси, мутахассислик бўйича маълумоти ва илмий даражаси бўлса, у ҳам иш материалларида акс этиши лозим;

- унга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тушунтирилиши (ЖПК 70-модда);

- ушбу туркумдаги жиноятларда кўп ҳолатларда мутахассиснинг жиноят иши материалларини ошкор қилмаслик тўғрисида огоҳлантирилиши;

- мутахассиснинг эркин билим ва кўникмаларини ишга солиш учун терговчи томонидан у иштирок этиши ва кўмаклашиши лозим бўлган ҳолат хусусида маълумотлар берилиши;

- бир неча мутахассислар иштирок этаётган вазиятларда терговчи томонидан уларнинг ҳар бирига алоҳида вазифаларнинг тақсимланиб

¹ Исаева Л.М. Криминалистическое учение о специальных знаниях сведущих лиц. Автореф. Диссер. д.ю.н. –СПб, 2008, - с.20.

берилиш;

- тергов ҳаракати бошланишидан олдин ва кейин мутахассис билан тергов ҳаратининг тўғри ва натижадор ўтказилганлиги хусусида маслаҳатлашувнинг амалга оширилиши.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясидаги амалий дарс машғулоти ва тергов ҳаракатлари ўтказиладиган амалиёт хоналарида мавжуд маълумотлар ҳодиса жойини кўздан кечиришда, тинтув ва олиб қўйишда прокуратура органлари билан ҳамкорлик ўрнатадиган мутахассислар кўпроқ жиноят қуроллари яширилган жойларни топиш ва уларни олиш учун, ҳамда тергов ҳаракатини баённомаларга қўшимча усуллар (видео ва фото ёзув) учун жалб қилинадилар, деган фикрга келишга асос бўлади.

Амалиётда коррупцияга оид жиноятларда катта муаммолардан бири ҳажман катта моддий материаллар ва электрон маълумотларни сақлайдиган ташувчилар (диск, флешкарта, хард, компьютер винчестори ва ҳ.к.) аниқланишидир. Улардан қайси бирларини олишни терговчи ҳал қилиши лозим, мутахассис эса, қандай олинса, мақсадга мувофиқлиги хусусида маслаҳат бериш ёки олишга кўмаклашиши даркордир.

Ҳар қандай тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўришда терговчи мутахассисни жалб қилиш лозимми –йўқми деган кичик саволга тўхталиб ўтади. Хусусан *эксперимент ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш*да. Сабаби бу тергов ҳаракатлари кўпроқ аниқ фанларнинг ва ҳаётий тажрибанинг ютуқларига таянади. Мутахассис тергов ҳаракати жараёнидан тортиб, ундаги маълумотларнинг ишончлили хусусида ҳам маслаҳат бериб туради.

Махсус билимлардан фойдаланишнинг кейинги кўриниши *экспертдан хулоса олиш ва уни сўроқ қилиш*дир. Терговчи экспертизани тайинлайди, унинг олдига саволларни қўяди ва хулосани баҳолайди (яъни унга қўшилиш ёки қўшилмаслигини ўз ҳаракатларида намоён қилади).

Энг кўп қўлланиладиган экспертиза турларидан бири видео ва овозли

ёзувларнинг криминалистик экспертизасидир. Унинг асосий мақсади, овозли ёзув ва видео кадрлар муайян шахсга тегишли эканлиги, унинг ҳақиқийлиги(монтаж қилинмаганлиги)га аниқлик киритишдир. Амалиётда ушбу ҳолатлар хусусида экспертиза тайинлаш ҳолатлари ўрганилганда кўп ҳолатлар гумон қилинувчи ва айбланувчилар овозли ёки видеоёзув унга мансублигини рад қилган ҳолларда тайинланар экан.

Юридик адабиётларда бир масала хусусида таклиф берилган, бироқ амалиёт ходимларидан бунга тасдиқ ололмадим. У ҳам бўлса, овозлар айнанлигини аниқлаштириш учун овоз намунаси олинаётганда гумон қилинувчи ёки айбланувчи нормал овозни тақдим қилмасликка ҳаракат қиладиган ҳолатлар ҳам учраб турар экан. Бундай вазияларда намуна сифатида ушбу шахснинг олдинги тергов ҳаракатларидаги овозли ёзувини намуна сифатида олса ва экспертизага тақдим қилса бўлар экан¹.

Пора жиноятлари учун энг оммабоп восита бу химик кукундан фойдаланишдир. МДХга аъзо мамлакатлар амалиётида кўп қўлланилади. Ушбу воситалар билан ишлашда ҳам химик воситанинг таркиби ҳақида мухассисларнинг ва бошқа шахсларнинг таниш бўлмаганлиги ёки унга тегинилмаганлиги муҳим. Сабаби ушбу химик восита илгаридан бизда бўлган, деган важлар терговни бир оз чалғитиши мумкин.

Коррупция ва молиявий жиноятларда *хатшунослик экспертиза* кўп қўлланилади. Ушбу экспертизада ҳам намуналар олиш овоздан намуна олишга ўхшаб кетади. Бунда ҳам намуна тақдим қилаётган шахс имзони, хусни ҳатини ўзгартиришга ҳаракат қилади. Ўша вақтда ҳам эксперт билан маслаҳатлашган ҳолда олдинги имзолари ва ёзувлари олиниши ва жўнатилиши мумкин.

Кейинги ўтказиладиган экспертиза турлари – *суд-баҳолаш, молия-истисодий ва суд-бухгалтерия экспертизалари*дир. Ушбу экспертизаларни тайинлашдан олдин коррупция ва молиявий жиноятни содир этишда гумон

¹ Мирошниченко М.Р. Методика отбора экспериментальных образцов голоса и речи для производства судебной фоноскопической экспертизы // Научное сообщество студентов: междисциплинарные исследования: сб. ст. по мат. IV междунар. студ. науч.-практ. конф. № 4(1). // [https://sibac.info/archive/meghdis/1\(4\).pdf](https://sibac.info/archive/meghdis/1(4).pdf) (26.04.2020 ҳолатида)

килинган шахсга тегишли ва унинг уйи, ишхонаси(офиси)даги барча ҳужжатлар, расмий ва норасмийлигидан қатъи назар олиними лозим деган тахминда бўлиш керак. Экспертнинг ўзи ёки унга қадар мутахассис билан маслаҳатлашган ҳолда, керакли ҳужжатларнинг ҳаммаси олиними лозим. Хусусан “қора бухгалтерия”ни акс эттирувчи блокнотлар, электрон файллар, ёзишмалар ва ҳаказо. Тайинланадиган экспертизанинг қийинлик даражасидан келиб чиқиб, экспертни танлаган маъқул. Айрим вазиятларда экспертларнинг тайинланган ҳолат мураккаблидан хулоса беришда хатоларга йўл қўйган ҳолатлари ҳам учраб туради. Терговчи экспертиза учун савол қўяётганда гумон ёки айблов асосига қўйилаётган жиноятга хос назарий-ҳуқуқий қоидаларни яна бир бор кўриши, бошқа жиноятлардан фарқловчи белгилар хусусида ичида мушоҳада қилиш, ёш терговчилар эса, тажрибали устоз терговчилар билан маслаҳатлашиши мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг саволлар рўйхатини шакллантириш лозим. Акс ҳолда, терговчи бошқа иштирокчилар олдида ноқулай аҳволга тушади ва жиноят ишини тергов қилишда қийинчиликлар бошланади.

Бизнингча, компьютер ва суд-бухгалтерия комплекс экспертизалари ўтказишда қийинчиликлар мавжуд. Электрон тарзда ўчиб кетган файлларни тиклаш ва ундаги бухгалтерия маълумотларини олиш жуда аҳамиятли. Компьютер назариясига кўра, компьютерда ёзилган ҳар бир ҳарф ўз изига эга – у ўчирилганда ҳам тикласа бўлади. Аммо, амалиётда маълумотларнинг ўчиб кетганлиги учун экспертиза хулоса беролмаган ҳолатлар анчагина.

Махсус билим талаб қиладиган кейинги тергов ҳаракати бу *тафтиш* тайинлашдир. Тафтиш сўзи латинча «revisio – қайта кўриб чиқиш» сўзидан олинган бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига тааллуқли равишда амалга оширилган ҳар бир ўтказма ва операциянинг бухгалтерлик ҳужжатларида акс эттирилишини контрол қилиш мақсадларида қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини англатади.

Тафтиш тушунчасининг тўғри белгиланиши ва унинг турларини аниқ ажратилиши жиноят ишларини тергов қилишда тафтишчиларнинг махсус билимларидан фойдаланишнинг самарадорлиги юқори даражада бўлишига хизмат қилади. Терговчи томонидан тафтиш ва текширувларнинг турлари ҳақидаги билимларга эга бўлиш илгари ўтказилган тафтишлар ҳужжатларини тўғри баҳолашга, тергов қилинаётган жиноят иши материалларидан келиб чиққан ҳолда бирламчи, қўшимча, такрорий тафтиш тайинлашда тафтишнинг турини тўғри танланишига хизмат қилади.

Ҳужжатли тафтиш хўжалик фаолиятини назорат қилишнинг тури ҳисобланади. Ҳужжатли тафтишнинг асосий вазифалари қаторига белгиланган молия-хўжалик вазифаларининг тўғри бажарлишини назорат қилиш, моддий ва молиявий ресурсларни тўғри ишлатилишини текшириш, назорат-тафтиш ишларининг тўғри йўлга қўйилганлигини текшириш, ҳамда қўшиб ёзишлар, ўзлаштириш, растрата қилиш ҳолатлари ва бошқа ноқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг мавжудлигини текширишдан иборатдир.

Жиноят иши қўзғатилиши муносабати билан тайинланадиган ва ўтказиладиган тафтишнинг мақсади қуйидагилардан: талон-торож ёки бошқа жинойий қилмишлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлигини аниқлаш, молиявий операцияларнинг тўғри бажарилганлигини, бухгалтерлик ҳисобини тўғри юритилганлигини, моддий ресурсларнинг ҳаракатланиши тўғри ташкиллаштирилганлигини текширишдан иборатдир¹.

Тафтиш – жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар ва органларнинг топшириғига биноан амалга ошириладиган фаолият бўлиб, тафтишчи ихтиёрига тақдим этилган материалларни ўрганиш ва ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра далилий кучга эга бўлган далолатнома беришдан иборатдир.

Шундай қилиб, тафтиш қуйидаги сифатлар билан тавсифланади:

¹ Ортиқов А. Суд бухгалтерияси. Дарслик. –Т., 2005. –Б.124-129

а) унинг ўтказилиши – юзага келган масалаларни махсус билимларни ишлатиш орқали ҳал этиш вазифасига эга процессуал ҳаракатдир;

б) тафтиш тайинланиши билан тафтишчи-мутахассис жиноят процессига субъект сифатида киритилиб, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда ўз фаолиятини амалга оширишда нисбий мустақилликка эга бўлади;

в) тафтиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва улар кейинчалик жиноят ишида далил сифатида ишлатилиши мумкин.

З.П.Климованинг фикрича, терговчининг талабига асосан ўтказиладиган ҳужжатли тафтишнинг предмети бўлиб, хўжалик воситаларининг ҳужжатлар, ҳисоб рўйхатларида акс этган ҳаракатланиши ва бухгалтерлик ҳужжатларини юритилиши ҳолати ҳисобланади, ҳамда улар жиноят ишининг материаллари ва терговчининг топшириғи мазмунига бевосита боғлиқ бўлади¹.

Тафтишнинг объектлари бўлиб, хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш, молия-хўжалик фаолият юритишини ўзида акс эттирувчи ҳар қандай молиявий ҳужжатларда акс этган ҳолатлар хизмат қилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти бухгалтерлик ҳисоби ҳужжатларида акс этади.

Тафтишнинг мақсадига молия-хўжалик фаолиятидаги ва пул воситаларидан фойдаланишдаги камчиликларни аниқлаш, етказилган зарарнинг ҳажмини кўрсатиш, бунда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш учун тафтиш материалларини дастлақби тергов органларига тақдим этиш ҳам киритилади. Ҳужжатли тафтишнинг вазифасига қонунбузарлик ва суистеъмолликларни аниқлаш билан бир қаторда талон-тарож ва хўжасизликнинг олдини олиш ҳам киради.

Тафтиш хўжалик юритувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтган субъектларга нисбатан тайинланиб, унинг фаолиятини қисман ёки тўлиқ

¹ Климова З.П. Производство ревизии по уголовным делам. –М., 1999. -С.27-36

камраб олиши мумкин. Қисман тафтишлар корхонанинг бир ёки бир неча фаолият қирралари, операцияларнинг айрим турлари ёки маблағ воситаларининг сақланиши ва улардан фойдаланишнинг аҳволини қисман камраб олади. Тўлиқ тафтишларда текширилаётган даврдаги барча ҳужжатлар ва бухгалтерия ёзувларини тўла-тўқис назоратдан ўтказиш кўзда тутилади. Уларда моддий бойликларнинг сақланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган операциялар (касса ва товар операциялари ҳисобот суммалари ва бошқалар) тўла текширилади.

Тафтишлар ва текширувлар ўтказиш муддати чегараси 30 кун миқдорида белгиланган.

Тафтишни ўтказишга тайёргарлик. Дастурга биноан тафтишнинг асосий масалалари рўйхати аниқланади, у назорат-тафтиш органининг раҳбари терговчи билан келишган ҳолда терговчи томонидан тасдиқланади. Тафтиш дастурида тафтиш объекти ва ўтказиладиган даври қайд этилади. Тафтиш дастури тузилишидан олдин тайёргарлик даври бўлиб, унда тафтиш иштирокчилари тафтиш қилиниши режалаштирилаётган ташкилотнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳисоботлар, статистик маълумотлар ва бошқа маълумотларни ўрганишлари мажбурийдир.¹

Ташкилот молиявий-ҳўжалик фаолиятининг тафтишини ўтказишда таъсис, рўйхатдан ўтказиш, режа, ҳисобот, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни шакл ва мазмун жиҳатидан текшириш молия-ҳўжалик операцияларининг қонунийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаш учун амалга оширилади.

Тафтиш гуруҳи иштирокчилари текширув дастуридан келиб чиқиб у ёки бу тафтиш фаолияти, усуллари ва методларини қўллаш имкониятлари ва заруратини аниқлайдилар. Бундан ташқари ахборот олиш усуллари, таҳлил тадбирлари, жами маълумотлардан далил бўла оладиганларини ажратиб олиш масалалари ҳал этилади. Тафтиш натижасида аниқланган

¹ Томин, В. Т. Развитие уголовно-процессуального законодательства на постсоветском пространстве: констатации, оценки, тенденции, прогнозы /В. Т. Томин, М. П. Поляков. - Нижний Новгород : НЮИ МВД России, 2016. - 62 с

молия интизомини бузишлар ва ишдаги камчиликлар тўғрисида далолатнома тузилиб, унга гуруҳ раҳбари, текширилаётган муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи имзо чекадилар.

Тафтишларни назорат дастури мазмуни бўйича таснифлаш биринчи даражали аҳамиятга егадир. Бу белги бўйича тафтишлар комплекс (ялпи) ва мавзувий тафтишларга бўлинади. Комплекс тафтишлар айниқса кенг тарқалган ва самарали бўлиб, бунда тафтиш етилаётган корхона (ташкилот) фаолиятининг барча жабҳалари ва томонлари текширилади.

Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти, молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар, технологиялар ва товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш билан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг бутлиги ва ишлатилиш самарадорлиги, бухгалтерия ҳисобининг ҳолати ва ҳисоботнинг ишончлилиги, солиқ ва молия интизомига риоя қилиниши ва бошқа масалалар тафтиш қилинади.

Зарурий ҳолларда махсус масалаларни текшириш учун тегишли мутахассислар: муҳандислар, технологлар, менежерлар ва бошқалар жалб етилади. Бу назорат объектини тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни амалга оширишга ва тафтиш самарадорлигининг ошишига олиб келади. Аини бир масалаларни ўрганиш навбатига қараб тафтишлар дастлабки ва қайта бўлади. Дастлабки тафтиш режага биноан биринчи навбатда ўтказилаётган тафтишдир. Назоратга ва тафтишга оид нашр етилган адабиётларда комплекс тафтиш тушунчасининг турли талқинлари учраб, улар унинг самарадорлиги ва афзалликларини баҳолашга қарши қўйилган.

Муаллифларнинг кўпчилиги бу тафтишни ўтказишда турли касбдаги мутахассислар иштирок етишини мезон деб ҳисоблайдилар. Бизнинг Республикамиз қонунчилиги бўйича бундай мезон бир вақтда икки ва ундан ортиқ назорат органлари томонидан тафтиш ўтказилиши ҳисобланади. Тафтишлар ўтказиш муддатлари ва тафтишчи гуруҳлар таркиби ҳар бир тафтишнинг аниқ вазифалари ҳамда тафтиш қилинаётган

муассасаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган, олдинда турган ишлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Махсус билимлар воситасида ўтказилган тергов ҳаракати натижасини текшириш учун экспертлар сўроқ қилинади. Негадир, экспертизадек аҳамият касб этадиган тафтишчиларни сўроқ қилиш деган қоида мавжуд эмас. Бизнингча, жиноят процессуал қонун ҳужжатларига тафтишчини ҳам сўроқ қилишнинг мажбурийлиги хусусидаги қоида киритилиши керак.

ХУЛОСА

Тадқиқот ишини амалга ошириш натижасига кўра илгари сурилган хулосавий ғояларни тўрт гуруҳга бўламиз

I. Ташкилий таклифлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаган парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этиш хусусида таклифини ўринли деб ҳисоблаб, уни қўллаб қувватлаймиз. Жоиз бўлса, ушбу органга коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш ваколатини бериш лозим.

2. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятларни тергов қилишга ихтисослашган терговчиларни таёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан терговчиларни тайёрлашда “устоз-шогирд” анъаналаридан кенг фойдаланиш лозим. Шу мақсадда прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органларида белгиланган штатлар жадвали доирасида “терговчи-ёрдамчиси” лавозимини жорий этиш ва у тажрибали терговчиларга шогирд сифатида маҳоратини ошириб бориши лозим.

II. Назарий хулосалар

1. Молиявий ва коррупцияга оид жиноятлар сирасига Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тороғ қилиш (ЖК 167-м.); Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш (176-м.); Сохта тадбиркорлик (ЖК 179-м.); Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (ЖК 184-м.); Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти (ЖК 188-м.); Пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият (ЖК 188¹-м.); Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-м.); Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-м.); Пора

олиш (ЖК 210-м.); Пора бериш (ЖК 211-м.); Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (ЖК 213-м.); Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ЖК 243-м.) жиноятлари кириши асослантирилиб берилди.

2. Жиноятларни судга қадар тергов қилиш методикасига қуйидагича муаллифлик таъриф берилди: *“Жиноятларни судга қадар тергов қилиш методикаси – суриштирув ва дастлабки тергов мақсадларидан келиб чиқиб, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш учун терговни самарали ташкил этиш бўйича криминалистик, ҳуқуқий ва назарий билимлар ҳамда услубий тавсиялар йиғиндисидир”*

III. Қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг янги лойиҳасига “Ноқонуний бойиш” деган ижтимоий хавfli қилмиш учун жавобгарлик белгилаш лозим. Унинг мазмунида шахснинг манбаси кўрсатилмайдиган даромади унинг охириги йиллик даромадидан 50 баробар кўп бўлса, ноқонуний бойиган деб баҳоланиши назарда тутилиши лозим. Бу албатта молиявий ва коррупцияга оид жиноятларнинг кескин камайига олиб келади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таклиф қилинган “Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши ва унда молиявий назорат қилиш органлари ва уларнинг ходимлари, шунингдек мансабдор шахсларнинг жавобгарлик доирасини аниқ белгилаш, лозим бўлса, кенгаштириш ҳам назарда тутилишини таклиф этамиз. Хусусан, текшириш пайтида текширувчининг айби билан хатоликка йўл қўйилган ҳолларда, тафтишчи жавобгарликка тортилиши хусусида қоида мавжуд бўлса, давлат бюджети имтизомига риоя этилганлигини текширишда масъулиятни оширади.

2. Тергов иши ва сифатини яхшилаш мақсадида, ЖПКга “Терговчи ёрдамчиси” деб номланган қуйидаги мазмундаги 36¹-моддани киритиш мақсадга мувофиқ:

“Терговчи ёрдамчиси терговчининг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишга кўмаклашади.

Терговчи ёрдамчиси терговчининг топширигига кўра тергов ҳаракатини ўтказиш учун тайёргарлик кўради, бу учун терговни ўтказиш вақти ва жойи тўғрисида процесс иштирокчиларини хабардор қилади; процесс иштирокчиларининг келган-келмаганлигини текширади, ҳозир бўлмаган шахсларнинг келмаганлиги сабабини аниқлаб, бу ҳақда терговчига маълум қилади; тергов ҳаракатлари баённомасини юритади; терговчининг тергов ҳаракатларини ташиқллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа топшириқларини бажаради.

Терговчи ёрдамчиси баённомада терговчининг ҳаракатлари ва қарорларини, шунингдек, барча процесс иштирокчиларининг ҳаракатлари, аризалари, илтимосномалари, кўрсатувларини тўлиқ ва тўғри баён қилиб бориши шарт”.

3. Жиноят-процессуал кодексига қуйидаги мазмундаги янги норма киритиш мақсадга мувофиқ: **“113¹-модда. Гумон қилинуви, айбланувчи ва судланувчини гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш**

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзининг гувоҳ сифатида сўроқ қилинишини, кўрсатув берганликдан келиб чиқадиган жавобгарликни бўйнига олган тақдирда суриштирувчи, терговчи ва суд алоҳида тилхат асосида уни гувоҳ сифатида сўроқ қилиши, юзлаштириши, унинг таниб олиши учун кўрсатиши ўтказиши, кўрсатувларини текшириши мумкин”

4. Жиноят-процессуал кодексига 187³-моддасига учинчи қисм сифатида **“Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд илгари давлат органи ходими томонидан ўтказилган тафтишининг қонунийлигини текшириши мақсадида қайта тафтишни ваколатли нодавлат ташиқлотлар ёки**

тафтишчиларга, солиқ маслаҳатчиларига, аудиторларга тайинлаши мумкин” деган қоида киритилиши лозим.

5. Жиноят-процессуал кодексига қуйидаги мазмундаги янги норма киритиш мақсадга мувофиқ: **“187¹²-модда. Тафтишни ўтказган шахсни сўроқ қилиш**

Тафтиш далолатномаси етарли даражада аниқ бўлмай, камчиликларини тўлдириш учун қўшимча текшириш ўтказишга зарурат бўлмаса ёки тафтиш ўтказган шахс фойдаланган усулларга аниқлик киритиш зарур бўлиб қолса, суриштирувчи, терговчи ёки суд тафтишни ўтказган шахсни (тафтишчини) ушбу Кодекснинг 96-108-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда сўроқ қилиш ҳуқуқига эга.

Тафтишни ўтказган шахс (тафтишчи) фақат ўзи томонидан берилган тафтиш далолатномаси ва шахсан ўтказган тафтиш юзасидан сўроқ қилиниши мумкин”.

6. ЖПКга тинтув қилинаётган шахсларнинг холисларга нисбатан рад қилиш ҳуқуқи тушунтирилиши ва рад қилиш хусусидаги арзлари дарҳол кўриб чиқилиши хусусида қоида киритилиши лозим.

ЖПК 352-моддасини қўйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдириш лозим:

“Терговчи муайян тергов ҳаракатида қатнашаётган шахсга холисларни рад этиш ҳуқуқини тушунтиради ва унинг холисларни рад қилиш ҳақидаги ариза ва эътирозларини дарҳол кўриб чиқади ва бу масалада тегишли баённомада акс этадиган тўхтамини билдиради”.

IV. Криминалистик амалиёт учун хулоса ва тавсиялар

1. Коррупцияга оид ва моливий жиноятлар бўйича исбот қилишнинг хусусиятларидан бири шундан иборатки, жиноят ишларини тергов қилишда ёзма далиллар: банк операция ҳужжатлари, бухгалтерия ҳужжатлари, товар-тақсимот ҳужжатлари алоҳида аҳамият касб этади.

Жиноятларни тергов қилишда уларни йиғиш, тўплаш ва сақлашга эътибор қаратилиши лозим.

2. Коррупцияга оид ва моливий жиноятларни тергов қилиш методикаси 3та маълумотлар блокидан ташкил топади. Булар:

а) Коррупцияга оид ва моливий жиноятларни тергов қилишнинг дастлабки босқичидаги типик тергов вазиятлари;

б) Коррупцияга оид ва моливий жиноятларни тергов қилишнинг дастлабки босқичидаги ва кейинги йўналишидаги типик тусмоллар (версиялар);

в) бу жиноятларни содир қилишда гумон қилинган ва айбланганларни терговда иштирокини таъминлашнинг тактик ўзига хослиги.

Моливий жиноятларни содир қилишга имкон берган шарт-шароитлардан бири жиноят ишида айбланувчи тариқасида жалб қилинаётган шахсларнинг моливий соҳа қонунчилигини пухта билмаслиги, янги ўзгаришлардан хабарсизлиги, ҳуқуқий негилизмнинг (қотиб қолиш) мавжудлиги ҳисобланади. Уларнинг кадр сифатида тайёрлашда шу жиҳатга эътибор берилиши ёки амалда чинакам малака ошириш ишларининг ташкил этилиши ёки бюджет қонунчилигидаги моливий жорий назоратнинг кучайтирилиши бу туркумдаги жиноятларнинг кескин камайишига олиб келади.

3. Моливий ва коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбни аниқлаш ва айбнинг индивидуаллиги талабларини бажариш учун мансабдор шахснинг лавозим йўриқномаларини ва ички тартиб ҳужжатларини батафсил ўрганиш лозим. Сабаби моливий ва коррупцияга оид жиноятлар бўйича масабдор шахсларнинг масъулияти нафақат норматив ҳужжатлар, балки ички тартиб қоидалари билан ҳам белгиланади.

4. Жиноят ишида ўзининг хизмат вазифалари (ваколатларини) билмаган ёш ходимларни тергов қилишда уларга ноқонуний ишни бажаришга буйруқ берган шахсларни аниқлашга алоҳида эътибор

каратилиши лозим. Боиси, бу жиноят юз берган корхонадаги жиноий мухитга барҳам бериш учун аҳамиятли ҳисобланади.

5. Жиноят ишида гувоҳларни қуйидаги гуруҳларга мансублигига қараб, ўзига хос тактикада сўроқ қилиш лозим: 1) Айблунувчи билан бир муассасада ишлайдиган гувоҳлар. Ўз вақтида улар ҳам иккига бўлинади (айбланувчига лавозим жиҳатдан бўйсунадиган ва бўйсинмайдиган гувоҳлар); 2) Меҳнат фаолияти юзасидан айбнувчига алоқасиз, лекин бошқа жиҳатдан боғлиқлиги бўлган гувоҳлар; 3) Айблунувчидан мустақил гувоҳлар.

6. Молиявий жиноятларнинг эрта аниқлаш, ўз вақтида очиш бу тергов органлари ва молиявий назорат қилиш органлари ҳамкорлигига боғлиқ. Идоралараро ҳамкорликнинг таҳлили бу борадаги фаолиятни оптимиллаштириш ва кейинги ривожланишининг асосий йўналишларини аниқлаш имконини беради. Булар қаторига қўшма текшириш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш; молиявий жиноятларни тергов қилиш ва очиш бўйича тергов, тезкор қидирув, профилактика ҳаракатларини ўтказиш, шунингдек маълумотлар алмашиш; бюджет имтизомини бузишнинг олдини олиш қўшма фаолиятни таҳлилий таъминотини амалга ошириш; бюджет имтизомини бузиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар (Методологик аҳамиятга молик нашрлар)

- 1.1. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: O‘zbekiston, 2017. – 488 b.
- 1.2. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. – T.: O‘zbekiston, 2016. – 48 b.
- 1.3. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. –T.: O‘zbekiston, 2017. – 32 b.
- 1.4. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. – T.: O‘zbekiston, 2017. – 104 b.
- 1.5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тарққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 52 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- 2.1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi -T. “O‘zbekiston”, 2017//<http://constitution.uz/uz>
- 2.2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси// <https://www.lex.uz/acts/111460>
- 2.3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://www.lex.uz/acts/111453>
- 2.4. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни / (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда).
- 2.5. O‘zbekiston Respublikasining “Prokuratura to‘g‘risida”gi (yangi taxrir) O‘zbekiston Respublikasi Qonuni (29.08.2001) //O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Axborotnomasi. 2001. 9-10-son, 168-modda.
- 2.6. O‘zbekiston Respublikasining “Advokatlik faoliyatining kafolatlari va advokatlarning ijtimoiy himoyasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining Qonuni (25.12.1998) // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Palatalari Axborotnomasi. 2008. №12, 641-modda.
- 2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони //

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752 сонли қарори.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729 Фармони.

2.10. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (1966 йил 16 декабрь)

2.11. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси.<https://lex.uz/>

2.12. Сборник международных договоров Республики Узбекистан, 2008 г., № 3-4/<https://lex.uz/docs/1461327>

2.13. Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни <https://lex.uz/docs/2509996>.

2.14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги “Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 795-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2017 й., 09/17/795/0080; 18.12.2018 й., 09/18/1025/2338-сон; 13.12.2019 й., 10/19/3202/4154-сон).

2.15. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. www.lex.uz/064951555

2.16. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 13.07.2015) (с изм. и доп., вступ. в силу с 15.09.2015). http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/

2.17. Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана, от 18 апреля 2009 года (В редакции Законов Туркменистана от 31.03.2012 г. №292-IV, 22.12.2012 г. №359-IV, 01.03.2014 г., 03.05.2014 г.) http://base.spininform.ru/show_doc.fwx?rgn=27706

2.18. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан http://base.spininform.ru/show_doc.fwx?rgn=30692

2.19. Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси. –Тошкент: Ўзбекистон нашр., 1991

2.20. Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года. <http://www.iuaj.net/node/1099>

- 2.21. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. Текст кодекса с изменениями и дополнениями на 20 марта 2013 года. <http://pravo.levonevsky.org/kodeksby/upk/>
- 2.22. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Азербайджан. abc.az/rus/news/45864.html
- 2.23. Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии. yurotdel.com/zakonu/ugolovno
- 2.24. Законы Франции. ru.encydia.com/en/Закон_Франции
- 2.25. Уголовно-процессуальный кодекс Грузии. http://www.pravo.org.ua/files/Criminal%20justice/_-09_10_2009.pdf
- 2.26. Федеративная Республика Германия. Уголовно-процессуальный кодекс. <http://www.pravo.org.ua/files/Criminal%20justice>
- 2.27. УПК Франции. lawlibrary.ru/izdanie32984.html
- 2.28. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. Yurotdel.com/zakonu/ugolovno-
- 2.29. 2.25. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. –Астана: 2014. <http://yvision.kz/post/419640>
- 2.30. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ
- 2.31. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. – Астана: 2014. <http://yvision.kz/post/419640>).

III. Монография, ўқув адабиётлари ва тўпламлар:

- 3.1. Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари. Ўқув қўлланма. Т. ТДЮИ нашриёти 2006.
- 3.2. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Туркменистана. Постатейный /Под общ. ред. проф. А.В. Смирнова. СПб.: 2011.
- 3.3. Korruptsiyaga oid huquqbuzarliklar profilaktikasi: O‘quv qo‘llanma / I. Ismailov, J. S. Muxtorov, S. B. Xo‘jaqulov; mas‘ul muharrir Y.f.d., prof. Q. R. Abdurasulova. – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2017. – 5 b.
- 3.4. Kriminalistika taktikasi: darslik / T.M.Mamatkulov, Sh.T.Djimanov, U.T.Turgunov va boshq. –Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2013. -200 b.;
- 3.5. Kriminalistika: Darslik T.B. Mamatkulov, Sh.R.Astanov va boshq. - – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. -457 b.;
- 3.6. Li A. O‘zbekiston Respublikasining moliya huquqi: Darslik. 2-nashr (qayta ishlangan va to‘ldirilgan). –Т.: TDYuI, 2006. -b.356.
- 3.7. Zakurlaev A.K., Maxmudov K.O. Kriminalistika. Darslik 1-jild. –Т.: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – b. 447.
- 3.8. Абдумажидов Ф.А. ва бошқалар. Криминалистика. Дарслик-Т.: б

«Адолат», 2003. 389-б.

3.9. Ануфриева Е.А. Особенности методики предварительного расследования и судебного разбирательства по делам о коррупционных преступлениях, со-вершаемых сотрудниками ОВД: Монография. – Новосибирск, 2014. – 381 с.

3.10. Баканова Л.П., Пулатов Ю.С. Криминалистик объектларни процессуал хужжатларда тасвирлаш: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2004. – Б. 85.

3.11. Бердиев А.Т., Хайдаров М.М., Кускаров Т.Р. Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -152 б.

3.12. Васильев А.Н. Проблемы методики расследования отдельных видов преступлений. М. : ЛЕКСТ ЭСТ, 2002. С. 76.

3.13. Возгрин И.А. Введение в криминалистику: История, основы теории, библиография. – СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2003. -С. 475.

3.14. Гармаев Ю. П. Основы методики расследования коррупционных преступлений: курс лекций. – Улан-Удэ: Издательство Бурятского госуниверситета, 2018. – 49 с.

3.15. Гармаев Ю.П. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности при расследовании уголовных дел о взяточничестве: практическое пособие. М. : Издательский дом Шумиловой И.И., 2005. С. 135.

3.16. Джуманов Ш.Т. Криминалистика: Учебник. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, - 2017. -476 стр.

3.17. Жиноятларни тергов қилишнинг криминалистик методикаси: Ўқув қўлланма / Р.Р.Шакуров, Ш.Т.Джуманов, Н.Тоштемиров, Д.Р.Тураева, О.Д.Алланазоров. –Т.: : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. Б. 87.

3.18. Жиноятларни тергов қилишнинг методикаси: Ўқув қўлланма/ Р.Р.Шакуров, Ш.Т.Джуманов, Н.Тоштемиров, Д.Р.Тураева, О.Д.Алланазов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. -206 б.

3.19. Зуфаров Р.А., Ахраров Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография //Масъулмуҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 168 бет.

3.20. Каримов В. Порахўрлик жиноятларини фош этиш бўйича ўтказидиган тезкор-қидирув тадбирлари. Қўлланма (практикум) –Т., 2019. -216 б.

3.21. Климова З.П. Производство ревизии по уголовным делам. –М., 1999. –с. 115.

3.22. Кондратюк Л.В., Овчинский В.С. Криминологическое измерение / под ред. К.К. Горяинова. М. : Норма, 2008. С. 272.

3.23. Криминалистика: Учебник. / Закурлаев А., Базарова Д. и др. – Т.: ТДЮУ, 2016. – 533 стр.

3.24. Криминалистическая методика расследования отдельных видов и

групп преступлений: учеб. пособие / В. Д. Зеленский [и др.] – Краснодар: КубГАУ, 2013. – 355 с.

3.25.Криминалистическая методика расследования преступлений: Учебное пособие / Коллектив авторов: Шакуров Р.Р., Джуманов Ш.Т., Тоштемиров Н., Тураева Д.Р., Алланазаров О.Д. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2013. – С. 83.

3.26.Криминология / Под ред. А.И. Долговой. – М.: ИНФРА-М, 2005. – С. 912.

3.27.Криминология / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, Г.М. Миньковского. – М.: МГУ, 1994. – С. 415.

3.28.Маматкулов Т.Б., Астанов И. Ва бошқ. Криминалистика: Дарслик. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. –Б. 498.

3.29.Меретуков Г.М. Методика расследования должностных преступлений: Учеб. пособие /Меретуков Г.М. – Краснодар: Куб ГАУ, 2013. – 213 с.

3.30.Методика расследования экономических и коррупционных преступлений: методические указания / сост.: А. Ф. Соколов, М. В. Ремизов; Яросл. гос. ун-т им. П. Г. Демидова. – Ярославль : ЯрГУ, 2010. – 48 с.

3.31.Ортиков А. Суд бухгалтерияси. Дарслик. –Т., 2005. –Б.458.

3.32.Отажонов А.А. Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -58 б.

3.33.Очилов У. Привлечение к уголовной ответственности по уголовно-процессуальному праву УзССР. -Ташкент: Фан, 1976. – 124 с.

3.34.Расследование преступлений в сфере экономики : Р24 учеб. пособие / под общ. ред. С.Ю. Наумова, А.С. Волкова, В.М. Юрина, Л.Г. Шапиро. – Саратов : Саратовский соци-ально-экономический институт (филиал) РЭУ им. Г.В. Плеханова, 2018. – 312 с.

